

Жангчи аскар мактублари

3-бет



Уруш болалари ёвузлик чангалидаги бегуноҳ қурбонлар

10-бет



Энагалар кимдан норози?

14-бет



Ун учинчи маош адлия аралашгач тўланди

8-бет



ИНСОН ҚОНУН

9 май 2020 йил / № 12-13 (1216-17)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



*Хотира бор экан, тирикдир миллат,
Тирикдир ифтихор, тирикдир ғурур.
Хотира — элни халқ этгувчи қудрат,
Хотира — эртани ёритгувчи нур.*

*Ҳатто майсанинг ҳам хотираси бор,
Майса хотираси — нурга интилмоқ.
Кўкарса — иккига бўлиб ташлайди
Йўлининг устида турса ҳатто тоғ.*

*То қуёш осмонда порлаб тураркан,
Осмондай мангусан, эй, она халқим!
Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга,
Баҳо бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли!*

9 МАЙ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Хуриш ДАВРОН,
Ўзбекистон Халқ шоири

hudud24

БИЗ СИЗГА ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ ЕТКАЗИШДАН МАМНУНМИЗ!

Сайтга ўтиш

www.hudud24.uz

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР



Кўп миллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, буюк галабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон халқининг уруш йилларида қўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлари, фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти биз учун катта ҳаёт мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтган сайин бу улмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Буюк галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонатини аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёш авлодга етказиш, уруш ва меҳнат frontiда заҳмат чеккан инсонларнинг азиз номларини абадий-

лаштириш мақсадида "Ўзбекистон" нашриётида "Ўзбекистон халқининг қозонилган галабага қўшган ҳиссаси" номли китоб-альбом тайёрланиб, "Колор-пак" босмахонасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 20 минг нусхада чоп этилди.

Мазкур китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши асосида Фанлар академиясининг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази илмий ходимлари томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу нашрда юртимиз ва чет эллардаги архив ва музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларида сақланган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий факт ва маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган.

Китобда ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда қўрсатган жасоратлари, Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленинградни озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонлик-

лари тарихий фактлар асосида ёритилган. Ўзбекистонлик қаҳрамон аскар ва офицерлар ҳақидаги янги маълумотлар, жумладан, 24 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Кўчор Турдиев, генерал Собир Раҳимов, Шароф Рашидов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиловдиев, Аҳмадjon Шукуров ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг жасоратлари ҳақидаги тарихий лавҳалар китоб мазмунини янада бойитган.

Урушда беш фарзандидан жудо бўлган Зулфия ая Зокированинг матонати тимсолида юз минглаб оналаримизнинг метин иродаси, улкан сабр-бардоши ўз ифодасини толган.

Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз «Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — галаба учун!» деб яшаб, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилгани аниқ мисоллар орқали ёритиб берилган.

Фашизмга қарши курашда юртимиз зийлилари, илм-фан, адабиёт ва санъат вакиллари қўшган муносиб ҳиссаси ҳам китоб-альбомда атрафлича акс эттирилган.

Ушбу нашрда шунингдек, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган минглаб инсонларга бошлана берган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни «Сен етим эмассан!» деб ўз бағрига олган ватандошларнинг юксак инсонпарварлик фазилатлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистонда эвакуацияда бўлган шахсларнинг хотиралари, фронтда қатнашган ва унинг ортида меҳнат қилган ватандошларимиз қалб изтироблари акс этган саҳифалар ҳам китоб-альбомдан ўрин олган.

Кўтлуг байрам арафасида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томо-

нидан яна бир янги нашр — "Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари" номли китоб ўзбек тилида кенг ўқувчилар оммасига тақдим этилди.

Янги аниқланган тарихий маълумотлар асосида тайёрланган ушбу китобда Иккинчи жаҳон урушида чинакам жасорат намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ўзбекистонлик аскар ва офицерлар, генераллар, шунингдек, ўзининг мардлиги билан учала даражадаги Слава ордени билан тақдирланган ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар хронологик тарзда келтирилади.

Китобдан номлари жой олган инсонларнинг барчаси миллати, тили ва динидан қатъи назар, жонажон Ватанимиз ҳимояси, унинг фаровонлиги ва ободлиги йўлида фидокорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш гоёси муҳим аҳамиятга эга".

Халқимизнинг яқин ўтмишидаги шонли тарихи, башариятга фашизм балосидан халос этишга қўшган улкан ҳиссаси, энгилмас иродаси ва матонатидан ҳўқия қилувчи ушбу нашрлар юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас эканини намоён этиш билан бирга, ҳар биримизни уруш даҳшатларини унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаётни қадрлаб яшашга даъват этади.

ЎЗА

УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР ХУСУСИДА ДОЛЗАРБ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

“БИЗГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?”


?

— УРУШ қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга бериладиган пенсияга қўшимча равишда яна қандай имтиёзлар жорий этилган?

— Пенсия таъминотида оид қонунга кўра, уруш қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга бериладиган пенсияларига устамалар белгиланган. Жумладан:

- I гуруҳ уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 150 фоизи;
- II гуруҳ уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 125 фоизи;
- уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи;
- 1941 — 1945-йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 30 фоизи миқдоридан устамалар берилади.

УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҚАНДАЙ СОЛИҚ ТУРЛАРИДАН ОЗОД?



— УРУШ қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар қандай солиқ турларидан озод қилинган?

— Солиқ қонунчилигида асосан уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар мол-мулк ва ер солигини тўлашдан озод этилган.


“ОТАМ САНАТОРИЯДА БЕПУЛ ДАВОЛАНСА БЎЛАДИМИ?”

?

— МЕНИНГ отам улуг ватан уруши қатнашчиси, отам санаторияда бепул даволаниш ҳуқуқига эгами?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги қарори билан тасдиқланган санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартибига оид низомга мувофиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда йилига бир марта Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари санаторийларида ўн икки кунлик соғломлаштириш курсидан текин ўтиш ҳуқуқига эга. Санаторийга йўланма олиш учун уруш ва меҳнат fronti фахрийлари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига ариза билан мурожаат қилишлари лозим бўлади.

“УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БЕПУЛМИ?”



— ҚОНУНЧИЛИК бўйича уруш қатнашчиларидан кимлар жамоат транспортидан бепул фойдаланишлари мумкин?

— Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш тартибига солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қуйидаги уруш қатнашчилари жамоат транспорти бепул фойдаланишлари мумкин:

- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, I гуруҳ уруш ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахслар;
- 1941 — 1945 йилларда фронт ортидаги фидокорона меҳнати учун орден ва медал билан тақдирланган кишилар;
- Афғонистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчилар.

“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ИМТИЁЗ БОРМИ?”

?

— БИЗНИНГ оиламизда уруш қатнашчилари бор, уларга давлат томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бирор бир имтиёз берилганми?




— 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийларини ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари билан бепул таъминланади (1 киши учун бир ойда):

- Ун (олий нав) — 3 кг;
- Гуруч — 1 кг;
- Гречка ёрмаси — 500 гр;
- Макарон маҳсулотлари — 500 гр;
- Мол гушти (суясиз) — 1 кг;
- Хонаки парранда гўшти — 1 кг;
- Сариеғ — 200 гр;
- Тухум — 15 дона;
- Қанд-шакар — 1 кг;
- Қунгабоқар ёғи — 1 л;
- Қўқ ёки қора чой — 200 гр;
- Атирсовун — 100 гр;
- Кирсовун (65%) — 200 гр;
- Кир ювиш порошоги — 150 гр;
- Катта ёшдагилар учун таглик газмол — 8 дона.

Мақсуд маҳсулотларни олиш учун “Нуроний” жамғармасига мурожаат қилиш лозим.

“УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ШАХСЛАР КИМЛАР?”



— КўП қонун ҳужжатларида уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга деб айтилади, лекин уларга тенглаштирилган шахсларга кимлар кириши ҳақида маълумотлар йўқ, шу сабабли уларга тенглаштирилган шахсларга кимлар киришини тушунтириб берсангиз?

— Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-ило-васида уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар рўйхати кўрсатилган бўлиб, уларга қуйидагилар кирилади:

- 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядлар таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар;
- 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар;
- 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида ҳаракатдаги армия таркибида ёки ҳаракатлар кетаётган жойларда хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг бошлиқлар ҳамда оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;
- 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида ҳаракатдаги армия ва флотлар таркибидаги қисмлар ҳамда бўлинмаларда балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғиллари ва юнгалар сифатида юрган шахслар;
- 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида, мудофаа чизиги иншоотларида ишлаган, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ходимлар;
- 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерлари (гетто ва зўрлик билан ушлаб туриладиган бошқа жойлар)да бўлган (тутқунлар, шу жумладан, болалар) шахслар;
- Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳарнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида меҳнат қилган ва “Ленинград мудофааси учун” медали ҳамда “Қамалдаги Ленинград фуқаросига” нишони билан тақдирланган шахслар;
- 1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10 ноябригача бўлган даврда Венгрия ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар даврида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;
- ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи қўшун таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар.

Саволларга “Мадад” ННТ етакчи мутахассиси Аббор Эъзоззонов жавоб берди.

УРУШ ВА ТИНЧЛИК СУВРАТИ

ЭССЕ

УРУШ... Урушнинг суратини ҳамма — урушни кўрганлар ҳам, урушни кўрмаганлар ҳам чиза олади. Чунки уруш сўзи кўз олдингизга, энг аввало, тўқилган қип-қизил қонларни, ажал қуроллини, кули кўкка соврилган она тупроқни, қонли дарёларни, етим қолган бегуноҳ гўдақларни, қўлидан, оёғидан айрилган оталарни, уруш қўлтиқаёққа сунишга мажбур қилган забардаст йигитларни, ўлим чангалида қолган норасида болажонларнинг кўзидаги даҳшатли фарёдларни, мингларнинг кўксига қадалган ўқ парчаларни, эҳ-ҳе, қанча-қанча афсус-надоматларни, юракнинг оғриқларини кептирди, бу лаънатли уруш. Аммо урушнинг суратини чизиш жуда қийин, жудаям оғир... Урушдан қолган армонли ҳикоялар сувратининг кўллаб эгалари бугун орамизда йўқ. Лекин уларнинг жасорати, мардлиги, номи қалбимизда абадий яшайди. Мана уларнинг баъзилари билан танишинг.

Одамлар эрмак бўлган 65 йиллик чандиқ

Армижонлик Ражаббой Эргашев урушга кетганида эндигина 18 ёшга кирганди. Қўрол улашсини ҳам билмайдиган бу йигит ота-онасининг тўнғич фарзанди эди. У 1941 йили фронтга кетиб, Ватан учун аёвсиз жангларда иштирок этди. Курск, Украина, Чернобил ва Киевда бўлган жангларда жон олиб, жон берди. 1944 йили Киев яқинида бўлган жангларнинг бирида ярадор бўлди. Оғзининг чап қисминдан кириб, юзини ялаб ўтган ўқ ўнг томонидан чиқиб кетди. Госпиталда даволаниб, яна жангдошларга қайтган жасур йигит ўқчи взвод командири бўлган. Сув ўрнида қон бўлиб оққан дарёларнинг сувини ичган, бошидан ўқ ёмғирдек ёғилиб турса ҳам, орта чекиманган, уруш даҳшатини эслатиб турувчи чандиқ — юзининг қийшайиб қолганига ҳам парво қилмай, тушкунликка тушмай фашистларга қарши курашишда яна давом этган жасоратли ҳамюртимизга Галаба нашадасини суриш насиб этди.

Юзи чандиқ, оғзи қийшайиб бўлса ҳам, аммо ёруғ юз билан она Ватанига қайтган Ражаббой Эргашев урушдан кейинги оғир даврларда ҳам колхозлаштириш жараёнида иштирок этди. Анча йил "Зарафшон" колхозида тафтиш комиссияси раиси бўлиб ишлади. Қатор йиллар механик, чорвачилик фермаси мудир, мироб бўлиб меҳнат қилди. Хуллас, ишдан бош тортади, иш танламади, нима юмуш бўлса барчасига лаббай, деб жавоб берди.

Уша синовли йилларда уйланди, болачақа орттирди. Истат Бокеева билан 8 фарзандни тарбиялаб, воёга етказди. Болаларининг ҳаммасини меҳнатга, ҳалолликка ўргатди. Қишлоқдаги асаларчилик тажрибаси, энг яхши боғлар, энг ширин анорзорлар манзили Ражаббой отанинг хонадон билан боғланганидан бўлди.

Юзидаги 65 йиллик чандиқ билан ҳам бахтли яшади, беармон яшади. Давлатимизнинг, ҳукуватимизнинг эътиборидан, эҳтиромидан мамнун бўлиб яшади. Инсон тақдирига бироз эътиборсизроқ, инсон кўнглига озор беришининг фаҳмига унча бормайдиган қишлоқ одамларининг ўз номига "Ражаббой қийшайиб" деган лақабни қўшиб айтганига ҳам парво қилмади. Урушнинг даҳшатларини кўргани учун бу майда нарсалар унинг учун унчалик аҳамияти йўқ эди. У омон қолгани, она юрти-

га қайтгани ва фарзандлар билан 97 йил мазмунли умр кўргани учун минг бора шукроналар билан яшашни тақдорлашдан асло чарчамай ўтди. Бугун ҳам Навоийда уруш фахрийлари ҳақида гап кетгудек бўлса биринчи бўлиб Ражаббой ота Эргашевнинг номи тилга олинади, хотирасига ҳурмат бажо келтирилади. Унинг номига қилиб-билмай уруш жараҳатини эрмак қилиб қийшайиб деган сўзни беўхшов "таъриф"ни қўшган қишлоқдошлар эса ўзларидан-ўзлари хижолат бўлиб ерга қарайдиган бўлишди...

Чунки Ражаббой ота Эргашевнинг суврати мана шундай узрли ва таъсирли эди.

"Хотира китоби"га кириб қолган тирик одам ёхуд адашган қора хат

Инсоният тарихидаги қонли урушларнинг энг даҳшатлиси — бу фашизмга қарши олиб борилган уруш эканлиги тарих гувоҳи. Ана шу аёвсиз урушда ҳалок бўлган, бедарак кетганлар хотирасига абадий эҳтиром сифатида ёзилган "Хотира китоби"дан навоийлик уруш қурбонларининг номлари ҳам ўрин олган. Аммо... "Хотира китоби"да тирикларнинг номини кўриб ҳайратланган жойларимиз ҳам бор. Қанақасига дейсизми?

Ҳа-я, 1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар номи битилган "Хотира китоби"нинг 150-саҳифасида "Уралов Уроқбой Чуя қишлоғида туғилган. 1665-дала почтасида оддий аскар 1942 йил 23 октябрда Сталинград вилояти Балка-Грачи қишлоғида ҳалок бўлган" деган оддий ёзув битилган.

Уроқбой Уралов 1917 йилда Қоратов этакларида жойлашган Нуротанинг Чуя қишлоғида туғилган. Буюқ Галабанинг 67 йиллиги арафасида тўқсон олти баҳорни қаршилаган уруш фахрийси, биринчи гуруҳ ногирони Уроқбой Уралов билан учрашиб, унинг "Хотира китоби"га қандай кириб қолгани ҳақида сўзлаб беришини сўраганимизга ҳам мана 8 йилдан ошди. Урушга қўшни Қодоқ қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилган йигит 1942 йилда урушга кетган.

Уша суҳбатимизда отахон адашган қора хат тарихини шундай сўзлаб берганди: "Душман самолётлари бошимиз узра шу қадар паст учадими, ундан қочиб, яшириниб жуда қийин. Шундай жангларда ҳужумга ўтиш чоғида ярадор бўлиб, ҳеч шимдан кетдим... Улик ёки тирикликим ҳеч кимга маълум эмас...".

Тақдир нимани раво кўрса ўша бўларкан. У жанг майдонида ҳушини йўқотганда, сафдошлари уни аллақачон ўлган, деб ҳисоблаб, навбатдаги жанг майдонига ўтиб кетганлигини билмасди. У энди биров топиб олишидан ҳам умидини узган ҳолда зулмат ичда ётарди. Чунки ҳамширалар жасадлар орасида юриб, ярадорлар борми, деб сўраб, овоз берганларни олиб кетишар, қолганлардан умид ҳам, нажот ҳам йўқ эди. Елкасини снаряд ялаб кетган одамнинг эса овоз бериши, қимирлаши дарғумон эди.

"Қонга қоришиб қанча ётганимни билмайман. Ойдин тулларнинг бирида мени кимдир қўтаришга келди... Узоқ вақтдан сўнг ҳушимга келдим. Госпиталда эса 6 ой ётдим."

"Худди уша кезларда менинг тирикликим ёлғиз Яратганга аён бўлган. Бошқалар мени ўликлар қаторига аллақачон қўшиб қўйганлари шубҳасиз эди. Бедарак йўқолганлар қаторида менинг уйимга ҳам қора хат юборишган. Мени ва укам Боймуродни урушга жўнатиб, ҳаста бўлиб қолган ёлғизгина онам бу қора хат дардини кўтара олмаслигини билган ҳамқишлоқларим унга айтмасдан ўзларича онамдан сир тутиб, менга аза очишга мажбур бўлганлар. Ора-

дан 2 ойлар ўтиб, мен ҳушимга келдим. Ўнг қўлимни қимирлатиш имкони йўқлиги учун чап қўлимда онамга бир амаллаб хат ёздим. Тирикликимдан онаизоримни хабардор қилдим. Адашган қора хат эса тарихда муҳрланиб қолди... Мен эса ўлганлар рўйхатида қолиб кетган тириклар сафида узоқ умр кўраётган Уроқбой Уралов эканлигим учун худого минг марта шукр қиламан..."

Урушдан сўнг, уни қўтқарган ҳамшира билан қишлоғига қайтган жасур ва кўркам йигит шу аёл билан оила қуриб, 5 ўғил-қизни, 40 дан ортиқ неварачевараларни тарбиялади. Миллий қадриятларимизни қадрлаган, аъналаримизни ардоқлаган байналмилал оиллага барчанинг ҳаваси келарди.

Уроқбой Уралов урушга қишлоқ муаллими эди. Урушдан қайтиб яна Қодоқ қишлоғида севимли касбини давом эттирди. Йиллар ўтди. Аммо уруш ўтган бўлса ҳам, унинг жароҳатлари кетмади. Собиқ жангчи дард чангалдан осонликча қутула олмади. Ўқувчилардан, кечиш қийин бўлса ҳам, дарс чоғида тутган дард хуружлари туфайли муаллимликдан воз кечишга мажбур бўлди.

Соғлигини бироз тиклаб, 1957 йилда "Чуя" қишлоғида янги очилган почта бўлимида ишлаб бошлади. Уша йилларда почта, телефон алоқалари хизмати бирга эди. Почта, алоқа тармоғининг раҳбарлари ҳам уруш қатнашчилари бўлган боис бошқари Раҳмонқул Назаров ва унинг ўринбосари Олим Халиловлар У.Ураловдан ишни ҳарбийчасига талаб қиларди.

Тоғли қишлоқда транспорт ҳақида эса гап-сўзнинг бўлиши мумкин эмас эди. Уша кезларда бу қир-адирларда транспортда юрадиган йўлнинг ўзи йўқ эди. От, улов, эшақча почта тарқатиларди. Бу ёғи паст адирларда чўпонларга, бир ёғи Қоратовга чиқиб кетадиган йўллар. Иш соати эрталаб 8 дан тунги 12 гача.

Шу тариқа 21 йил алоқа бўлими бошлиғи бўлиб элга хизмат қилди. Бирор марта бирор кишига сёнлар учун қон тўққанман демади, уруш ногирониман, деб сира-сира нолимади. Чунки Уроқбой ота Ураловнинг суврати мана шундай мардоноров ва жасоратли эди.

Ўзбекистонни Ватаним деган тожикистонлик жангчи

Нарзи Тошевнинг ҳаёти ва тақдири армонларга тўла ўтган. У Тожикистоннинг Ленинобод вилояти Ўратепа тумани Гончи қишлоғида туғилган. Зиёли оила фарзандининг бошига гўдақликдаёқ мусибат тушган. Сеп тошқини ота-онасини оқизиб кетганида, у эндигина уч ёшда бўлган. Ота-она меҳри унинг учун энг буюқ армонга айланган. Ота-онасидан ва ёлғизгина опасидан ана шу табиий офат туфайли ажралиб қолган Нарзи Тошевини қариндошлари эмас, балки бошқа бир бегона оила ўз тарбиясига олган. Болагилданок ҳаётнинг қаттиқ зарбаларига дуч келгани етмаганидек, уруш деган балонинг қўллари ҳам уни топиб олди. Урушнинг дастлабки кунларида фронтга кетишга мажбур бўлди.

Сталинград, Ленинградда ва Беларус фронтларида жанг қилди. Дастлаб пийда ўқчилар сафида бўлди, кейинчалик снайперчи сифатида қанча-қанча душманга қақшатқич зарба берди. Миналаштирилган майдонларни тозалашни шараф билан удаллади. Сталинград мудофаси учун бўлган аёвсиз жангларда оғир ярадор бўлди. Суяк орасига кирган бу ўқ елкасига ботса ҳам, азов берса ҳам, таслим бўлмади. Бир муддат госпиталда даволаниб, Рейхстақкача борди. Галаба деган буюқ матонатда, жасоратда, улуғ бир кудратда унинг ҳам ҳиссаси бор.

Даҳшатли уруш дамларида тирикликнинг ҳаётининг, инсоннинг қадр-қимматини ҳис этиш бошқача бўлади. Нарзи Тошев ҳам қуролдош дўстлари билан бирга нафас олди, бирга қон кечди. Ўзбекистонлик дўсти Карим Шарипов деган йигит билан туғишган оға-инидек бўлиб қолди. Уруш туғатгач, ҳеч иккиланмасдан унинг тақлифига қўниб, Тожикистонга эмас, Ўзбекистонга Қизилтепага келишга қарор қилди...

Ва шу-шу Қизилтепада қолиб кетди. Ўзбекистон унинг тақдирига, она Ватанига айланди. Тожикистонга қайтиб бормади. Шу ерда оила қурди, Шарофатхон ая билан саккиз фарзандни тарбиялаб, элга муносиб инсонлар бўлишига ҳаракат қилди. Мен ўқий олмадим сизлар ўқинглар, деб болаларини ўқитди.

Уруш азобини, елкасини тешиб ўтган ўқ парчасини бир кам 90 йиллик умрининг 53 йили мобайнида олиб юрди, ҳар лаҳза ҳис этиб турди. Аммо голибларнинг яраси оғримайди, деб гурур билан яшайди.

Ҳаётдан, ўтган умридан асло нолимади. Туман умумий овқатланиш корхонасида бутун умр ҳалол меҳнат қилди. Ҳаёт қувончлари ва ташвишларига дуч келганда шукр қилди, сабр қилди. Баъзан ноҳақликлар қаршида ҳам ҳеч кимга ҳеч нарсани таъна қилмади. Ҳаёт улуғ бир неъмат эканлигини шукроналик билан тушуниди, тушунтиришга ҳаракат қилди.

Чунки Нарзи Тошевнинг суврати юракдаги армонлар каби ҳазин ва меҳрибон эди.

Ватанимнинг, тинчликнинг, тирикликнинг суврати қанақа?

Ватаним кашф қилиб бўлмайди. У юракларда туғилади. Ватан биз билан бирга улғайиб, биз билан ифтихорга тўлади. Ватан меҳримизни, бахтимизни, гуруримизни, ору номусимизни, қадр қимматимизни, диёнатимизни йўрақлаган, асраган, ардоқлаган муқаддас бешик!

Тинчлик — юраклар мадҳиясига айланди. Биз озодлиқ сабақларини ўрганиб улғайдик, камолга етдик. Авваллари Ватанимнинг, тинчликнинг, тирикликнинг суратини бошқача тасаввур қилардик, бошқача чизардик. Ўзбекистон — бахтлар водийси деган тантанавор сурат кўз ўнгимизда гавдаланарди авваллари. Байроқларнинг ҳилпирашини, бахтиёр чехраларни чизишга ўргангандик.

Бугун унинг сурати янада улғуворроқ, янада буюкроқ тимсолда гавдаланмоқда. Бугун Ўзбекистон бошига тушган оғир синовларнинг ягона йўли — беминнат меҳру оқибатлар, оталарча гамхўрлик, ёрдамга чўзилган миллионлаб қўллар, ўзи эмасдан, ўзи киймасдан эҳтиёжмандлар ва муҳтожларга ёрдамга шошаётган, юраги меҳрга лиммо-лим тўлаётган замондошларимизнинг, Ватан учун ўлишга тайёр турган жасорат эгаларининг сурати, ҳатто қўғирчоқ олиш учун йиққан пулини офатдан жабр кўрганларга ёрдамга қўйишларини сўраган жажжи қизалоқнинг улкан сиймоси кўз ўнгимизда турибди.

Аввалроқ Ер шарини таслим қилган пандемия, кейин Бухородаги кучли бўрон, Сардобадаги янада оғир синовларнинг сабоқлари одамларни ўзи чандон қулчироқ бўлишга ундади. Катта ишонч, катта умид, катта меҳр одамларга мадад бўлди, куч берди. Одамлар кўзгуга эмас, бир-бирининг кўзига қараб яшашни ўрганди. Бу эса ҳаётнинг энг буюқ қонуни, энг улуғ қондасидир... Одамийлик ҳеч қачон ўлмайди! Ватанимнинг, тинчликнинг, тирикликнинг суврати мана шундай...

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЕТИМ БОБО

— Момо, мен келдим.
— Бунча кеч қолдинг? Мактабинг ҳам бор бўлсин.
— Момо, биз Етим бовоникига бордик. Касал экан. Уй ишларига қарашдик.
— Айланайин сендан, савоб иш қилибсизлар.
— Момо...
— Нима?
— Етим бово энди ўладими?
— Бу нима деганинг, эси йўқ?
— Бово муаллимимизга “Мен ўлсам манави жужуқларинг билан “Етим бовомлаб” йигланглар”, — деди-ку.
— Э-ҳ-ей, Худойим-а, бечоранинг тагини жони тош экан.

— Момо, нега у кишини ҳамма Етим бова дейди?
— Уни уруш етим қилган.
— Катталар ҳам етим бўладими?
— Ҳа.
— Момо, Етим бова зўрга, инқиллаб-синқиллаб гапирди: “Мен урушни энгдим. Уни ўзим билан ернинг остига олиб кетаман”, деди.
— Тўғри айтибди бовонг. Гўдак-лигида отаси урушда ўлиб кетган. Етим ўсан. Пешонасига офтоб тегиб тинч замонда элнинг қадди, юртинг қадри бўлган маҳалда ёлғизгина ўғли Нурбой ҳам афгон урушига кетди. Улиги қайтди. Бундай одамнинг сояси ҳам ерга оғирлик қилади, болам. Лекин бовонг чидади, айт-

дим-ку, жони метин экан. Чин, бовонг урушни энгди, шунча дарду-ҳасрат билан тўқсонга кираяпти. Умри узоқ бўлсин, илоҳим... Бовонгнинг юки оғир, болам.
— Момо, урушнинг дарди шунчалик оғирми?
— Оғир болам, оғир.
— Бизлар бовомга ёрдамлаш-сак, ўша оғир юкни биз ҳам...
— Жим!!! Жим, болам, ундай дема! Бу юкни бовонг бошқаларга бермайди, бошқалар кўтармасин, дейди-да. Урушнинг уйи куйсин.
— Момо, Сиз урушни ёмон кўрасизми, қарғайсизми?
— Ҳамма ёмон кўради.
— Мен ҳам ёмон кўраман. Мен

боламан-ку, болалар ҳам урушни қарғаса бўлаверади-а?
— Бўлади. Ҳеч кимни, ҳеч нимани қарғамасанг ҳам урушни қарғайвер, болам.
...Болакай бир нуқтага тикилиб қолди. Қилтоноқдайгина қариянинг шундай оғир юкни қандай кўтара олиши ҳақида ўйларди. У аини дам болалик билан ҳам хайрлашаётганди.
P/S. Орадан йиллар ўтди. Дунёнинг нуфузли адабий давралари “Урушнинг оғир юки” деган китоб ҳақида бонг ура бошлади. Китоб муқовасига ўзбек адабининг дасхати уриланди: “Мен бу китобимни Етим бовомга бағишладим...”.

БУЮК БОБОЛАРНИНГ ГЎЗАЛ ЁЛҒОНЛАРИ

ХИКОЯ

Ғалаба байрами куни тадбир туғайи ҳамона жангчи боболарни ўзимизча “бўлишиб” олардик.
— Йўлдош бово бизники.
— Бир қўл бова, анови, Саттор бова бизга.
— Чўтбой бовони биз оламит.
— Тали бово 9-А га...
Синфма-синф бўлиниб мактаб боғида фахрли “фронтоник”ларнинг жон саргузаштларини тинглардик.
Орадан қирқ йил ўтди. Содда ва беғубор болалик ҳам ўша боболарим ортидан биз билан хайру хуш этиб кетди. Қишлоқда бугун уруш иштирокчилари қолмади. Улар юрагида чўкиб ётган уруш оғриқларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишди. Бугун бир ёзувчи, уруш кўрган адиб сифатида менга азоб бераётган саволларнинг жавоблари ҳам уларнинг қалб кўрида қолиб кетганини ҳис қилаяпман.

Эҳ, менинг беғуборгина бола-лагимнинг боладил боболари! Инсон умрини азиятга айлан-тирган минг бир оғриғу азобни ортмалаб кетдингиз, индамайгина, бировга оғирингиз тушмай, заминга оғирлик қиладиган юрагингиз оғриғини ҳам ҳатто биз болалар, жасоратпарвар ўқувчиларга билдирмай кетиб-сиз. Биз, шумтака болаларга ҳар бирингизнинг уруш ҳақидаги ҳикояларингиз ёд бўлиб кетган эди. Ўзимизча устингиздан қўлиб кўярдик: “У уккағардинг боваси, созлаб алдади-я...”. Лекин, шундай бўлса-да, сизлар тўкиган маталларни жон қўлогимиз билан тинглардик. Мароқли эди-да, мароқли. Бугун... бугун эса... Ёшим эллиқдан ўтиб англаб қолдим, сизлар биз болаларнинг қалбимизни, шууримизни аяб-аявлаган экансиз. Шунинг учун бизни алдаган экансиз...



Эндигина гулдан ариган мактаб олмасорида гуруҳ-гуруҳ бўлиб давра қурган ўқувчилар уруш боболарининг ҳикоясини тинглашади.
— Бово, Исталинград ҳақида кино берди. Битта солдат айнан Сизга ўхшади. Шу Сиз эмасмикинсиз-а, а, бово? — сўрайди китмиргина Нурқўзи.
— Исталинград бўлса, менда ўша, — дейди Саттор бово жилмайиб.
— Човиб (югуриб демоқчи) кетаётган экансиз?
— Қаёққа қараб човаётган эканман?, — хушёр тортади

Саттор бово.
— Олға-да, олға қараб! — дейди Нурқўзиси тушмагир мугомбирлик билан.
— Олға қараб бўлса, менда ўша! — дейди Саттор бово астойдил завқланиб.
— Бово, қўлингиз Исталинградда узилиб тушган-а? — сўрайди Уктам синфдош.
Бизга бовонинг нима деб жавоб бериши аввалдан маълум бўлса-да, яна унга жон қўлогимизни тутамиз. Бово шу саволга жавоб бераётми ҳаммиша бир нуқтага тикилади, сўнг бир қўли билан ён чўнтагини кавлаб билан тикинини очиб, носқовоқни тўқиллатиб тили тагига нос ташлайди, бизга шу жойи ҳам қизик. Кейин яна жилмаяди. Бизни бошлаб калака қилаётганидан юзига табассум ёйилади:
— Хуллас, шу десанглар, жанг бошланиб кетди. Сўқа-сўқа билмай қопман. Ўзиям пашистни чиққан жайига тикиб қайтдик, камондир сўраб қолди.
— Расулов, қўл қани, қўлинг қани, деб. Қарасам, қўлни исноряд узиб кетган экан.
(Болалар бир-бирига маъноли қараб қулишади. Уктам ўзича кўз қисиб кўяди).
— Бова, олмасиз-а, қўл узилиб тушади-ю, оғримайдими? — ўсмоқчилайди Шукур ошнамиз.
— Ҳа-я, менга кара, сен Тошқул калнинг невараси, айтапманку, жанг кучайганда, сезмай қолибман деб. Ўша пайтда қўл эсга келадими, эси йўқ... Бўлди энди, қани тарқалинлар! Ҳаммаларинг яхши ўқинглар.
Нариги даврада Йўлдош бово бир оёғини Берлинга ташлаб келгани, лаънати душманга: “Ма, шу оёқни сен олсанг олгин, фақат энди урушни тўхтат, таслим бўл”, — деб хушидан кетгани, кейин уруш туғайига-ю, ғалаба бўлганини госпиталда

эшитганини сўзлаётган бўлади. Аниқ шундай, ана ғалаба шавқида бовога қўшилиб болалар “урра-а-а-а-а!!!” деб қичқиришяпти. Яхшиси, ана, Чўтбой бовонинг даврасига борганим маъқул. Бовонинг ҳикояси ҳам авж нуқтасига етиб қайтаётган пайти эди:
— Кейин-чи, кейин нима бўлди?
— Кейин шундай кўзимни очиб қарасам, тепамда лаънати Гитлер турибди. Айтдим-ку, хандақта тупроқ остида қолган эканман деб.
— Кейин-чи, кейин?
— Автомат ҳам тупроқ тагидан қолиб кетган. Шу пайти итдан тарқаган Гитлер кўзимга қўлини тикиб олса денглар.
Чўтбой бова атайлаб қора режина билан тўсилган кўр кўзини очиб кўрсатмоқчи бўлади.
— Э-е-ей, шартмас, очманг бовожон, очманг. Кўзингизни олдин кўрганмиз, — дейди тайсалланиб Тоштемур, — бу ёғини давом этаверинг бово.
— Бор гап шу, — дейди бово ҳам қовоғини уюб, кўр кўзини болалар кўришни истамаганидан гўёки ранжигандай.
— Сиз Гитлерга индамадингизми? — ижиқилайди Шафоат.
— Нега индамайман?! Ҳаромининг чўзилган қўлини шартта кесиб ташладим.
— У уккарди ули, — дейди Нурмат.
— Гитлер ўлдими?
— Ўлади-да, тирик қоладими, йўқасам?..
— У уккарди ули...
— Бово, Гитлерни ўлдирган бўлсангиз сизга герой-перойлик беришмадими?
— Беришмоқчи бўлди. Гитлерни ўлдирасану, беришмайдими?
— Ахир берса тақардингизда, йўқ-ку, — дейди Шафоат энди очикчасига бовонинг жигига тегиб.
— Ўртоқ Исталин хапа бўпти-да.

— У уккағарди ули.
— Хой, тирмизак. Кимни сўқаяпсан? Сўқма. Исталинни сўқма...
— Хўп, бовожон, хўп, ўлоп-маяпманми Исталинни сўқиб, — дейди Нурмат — Исталин нега хала бўпти? Ўлдирсангиз яхши-ку Гитлерни... — яна китмирлиги тутади Нурматнинг.
— Ҳ-е-ей, Чори бовонгнинг ўзгинасисан-а, эзмасан. Ахир Исталин менга у лаънати Гитлернинг тириги керак эди. У иблиси икки оғизгина гапим бор эди дебди. Шерматов уни бекор ўлдирибди-да. Тирик қолдириши керак эди дебди. Шунинг учун геройликни эмас, манави “Қизил юлдуз”ни бериб юборибди. — Бово чап кўксидаги чўгдай порлаб турган орденни кўрсатади.
Бугун тонг саҳарда ўша болалик чоғларимни хотирлардим. Кўз ўнгимда жангчи боболарим гавдаланди. Ғалаба байрамида улар мактабимиз ҳовлисида тўпланишарди. Улар жуда кўп эди. Кўксида осилган орден-медаллар урушнинг энг оғир жароҳатлари, аччиқ аламли кунларидан сўзларди. Улар кўксида титраган юракларидан уруш оғриқлари зарби сезилиб турса-да, ўларини дадил ва тетик тутишга уринишаётганини биз болакайлар эҳтимол англамагандирмиз. Бироқ, бироқ, улар лаънати урушнинг даҳшатли фожиялари ҳақидаги ҳақиқатларни атайлаб бизга сўзлаб бераётгани, гўзал ёлғонлар билан бизнинг беғубор қалбимизни аяётганини ҳис қилардик. Биз ҳам уларнинг уруш ҳақидаги ҳазил-хузул маталларига гўёки ишонаётган каби жон қўлогимиз билан тинглардик. Ҳа, биз болалар ҳам уларни аярдик. Айтинг, бошқача бўлиши мумкин-миди?

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, ёзувчи.



Алланаяз УТЕНИЯЗОВ,
“Ўзбекистон Қаҳрамони”

Фидел Кастро ни қўйил қолдирган АЛЛАНЯЗ ХАҲИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

КУБА президенти Фидел Кастро Рус тан олган, Россия эстрада юлдузи Алла Пугачёва таъзим қилган, украиналик ака-ука боксчи Кличколар отаси сифатида кўрадиган, саховатпешалик бўйича дунёга довг таркатган қорақалпоғистонлик Алланаяз Утенииyов ҳақида эшитганминоси? Ҳа, бир вақтлари хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бу инсон ҳақида кўп ёритилди, лекин унинг феномени ҳали тўла ўрганилмади.

АЛЛАНЯЗ Утенииyов 1936 йилда Қорақалпоғистоннинг Кегейли тумани Қазаяқли қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. 1950 йил охирларида Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг роман-герман факультетининг инглиз тили йўналишида тахсил олган. Унинг номи талабалик йилларидан чиқа бошлади. Пахта йиғим-терим пайтида бир кунда 400 килогача пахта, 1 минг 200 килогача пахта гўзасини терган Алланаязга “комбайн” деб ном беришди. Бошқа энг илгор теримчи деганларнинг ўзи бир мавсумда 2,5-3 тонна пахта терса, Алланаязнинг марраси 12-15 тонна бўлди. Терган пахта учун пул берилар эди. Бу пуллари у хайрия ишлари сарф қиларди.

У биринчи курсни тугатгандан кейин ёзи таътил пайтида қишлоғидаги Курбанизовлар оиласига ўй қўриб берди. Бу унинг биринчи марта қўрган ўйи эди. Хизматиға ҳеч қанақа ҳақ олмади. 1962 йилда институтни тамомлаб ўз қишлоғидаги 4-умумтаълим мактабида инглиз тили ўқитувчиси сифатида иш бошлаб, 42 йил давомида дарс берди.

Фидойи устоз ўқувчиларга дарс ўтиш билан бир қаторда киши ва ёзи таътил пайтларида ёлғиз, ёрдамга мутож 42 нафар қарияга ўй қўриб бериб, бу меҳнатлари учун бир сўм ҳам ҳақ олмаган. Шунингдек, у битта ўзи 2 та мактаб, 2 та акушерлик пункт, 2 та болалар богчаси ва битта кутубхона қурди. Ундан ташқари 174 та хонадоннинг уйлари капитал таъмирлаган. Ҳамма қўрган уйлари учун шахсан ўзи ҳеч қандай техникаларнинг ёрдамисиз 860 минг донга фиш қўйган. Бу ишларининг барчасини текинга битта ўзи амалга оширган.

Алланаяз Утенииyов ҳақида Ўзбекистондаги даярли барча газета-журналларда мақолалар чоп этилди, телевидение ва радиоларда тинмасдан тарғиб қилинди. Собик Иттифокдаги кўп адабди “Правда”, “Комсомольская правда”, “Семья” ва бошқа нашрларда қатор мақолалар чоп қилингандан кейин уни бутун дунё таний бошлади. Хусусан, “Правда” газетасининг 1985 йил 29 сентябрь сонидан чоп қилинган “Лик доброты” (муаллифи халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тулепберген Қасимбеков) мақоласидан сўнг Алланаяз Утенииyов номига дунёнинг турли бурчакларидан мактублар оқиб кела бошлади.

Шу пайтада Куба давлатининг президенти Фидел Кастро Рус: “Сиз ўз инсонийлик меҳнатингиз билан барча одамзод боласидан жуда юқори турсиз. Бу ишларингиз ёш авлодларни тарбиялашда намуна бўлади. Мен сизга тан бераман...” деб ёзди. Россия эстрада примадонаси Алла Пугачёва: “Сизнинг ҳолис хизматларингиз мен учун ибрат, миннатдорман. Сиздек одамнинг юртимизда бор эканлигига қувонаман. Халққа бепул қилган меҳр-шақватингиз олдида таъзим қиламан...”

деса, машхур Муслим Магоммаев: “Мухтарам, муаллим. Сизни ва оила аъзоларингизни 1 май байрами билан чин дилдан қўтайман. Сизга теран соғлиқ тилайман. Ўзингизнинг хайрия-саховат ишларингизни, бор ақл-истеъдодингиз билан давом эттира бергайсиз. Сиз XX асрнинг Прометейсиз... (Прометей худодан олов ўғирлаб, одамларга яхшилик кўрсатган юнон мифология қаҳрамони)” деб энг илик дил сўзларини изҳор этиб телеграмма йўлаган. Аргентиналик миллионер Сапун эса ўз мактубида: “Менинг кўл остида 4 минг киши ишлайди. Аргентинада энг бой одамлардан бириман. Хусусий мол, парранда фермаляри, фабрикаларим бор. Лекин менинг бойлигим сизнинг бойлигингиз қошида чирик дунёдир. Сизнинг инсонийлик маънавий бойлигингиз ҳеч қачон ўлмайди, чиримайди, мангу қолади. Сизнинг қилган хизматингиз дунёда катта янгилик бўлди. Ўқиб қўриб, хайрон қолдим. Менга катта туртки бўлди. Мен ҳам хайр-саховатли бўлишга бел боғладим. Менинг сизга учта саволим бор. Шунга жавоб беришингизни илтимос қиламан:

1. Бу ишларни ўз хоҳишингиз билан амалга оширасизми ёки биров ишла деб айтганими?
2. Сизда қандай куч бор?
3. Маҳаллий аҳоли бу ишларингизга қандай қарайди?” деган.

Икки қарра собик Кенгашлар Иттифоқи Қаҳрамони А.Рязонов: “Ўқитувчилар қурултойига келсанг, болангнинг ҳам ола кел. Бизнинг хонадоннинг ашиги сиз учун ҳамиша очик” деб, хатига жавоб ёзишни сўраса, бокс бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко: “Сизнинг халқингизга қилган хайрли ишларингизни эшитиб, Биз жаҳон рингидаги галабаларимиз ҳақида айтишга ор қилаймиз. Сабаби сиз 30-35 йил ўз ҳаётингиз давомида қандай қилиб бўлмасин оқиб ва камбағал кишиларга ёрдам қиласиз. Биз эса ўз “ишимиз”да 30-35 минут рақибимизни дўшласизминиз керак. Айнан шунинг учун, укам Владимир билан бирга сизни отамиз сифатида кўраемиз. Сиз биз учун идеал одамсиз. Мен ҳар доим рингга жангга чиқшдан аввал сизни тасаввур қиламан ва Сизга ишонаман. Шу пайтада ўзимга куч-қувват тўплагандек сезаман ва голиб бўламан” дейди.

Жами миқдорда Алланаяз Утенииyов номига дунёнинг ҳар хил давлатларидан 1500 дан ортиқ мактуб келган. Уларнинг барчасига жавоб ёзиб ўтирган.

Алланаяз Утенииyовнинг ишлари 1963 йилдаёқ давлат раҳбарларининг эътиборини тортади. У пайтада Иттифоқи Н.Хрущёв бошқариб турарди ва мажмаъхори этиш авжига чиққан эди. Алланаяз Утенииyов биронта кимёвий ўғит қўлланмасдан мажмаъхорини 5-6 метрга қа ўстирган, ҳар донасидан мўл ҳосил олган. Бу бутун Иттифокдаги рекорд кўрсаткич бўлган. Унинг қилган ишлари Шароф Рашидовнинг қулоғига ҳам етиб борган.

Алланаяз ҳақида ёзилган “Алланаяз Қаҳраман — адамгершиликни жоғарги шын” (Алланаяз Қаҳрамон — инсонийлиқнинг юксак чўққиси) китобида (муаллифи

Элиза Даулетмуратова ва Алламберген Даулетмуратов) шундай қизиқарли маълумот бериледи:

Алланаяз ҳаттоки мактабдан олган ойлигини ҳам камбағал оилаларга ишлатиб юборган. Унинг турмуш ўртоғи ҳам ўзига ўхшаш раҳмдил инсон бўлган, эрининг ишларини доимо қўллаб қолган.

Макка бўлиқ бўлгандан кейин, шу пайтадаги Қорақалпоғистон обкомининг биринчи котиби Қаллибек Камалов, Москвадан, Тошкентдан муҳбирлар тез-тез келиб турарди. Улар қўрилган уйлари, макка даласини расмага оларди.

Бир куни макка даласига Шароф Рашидов келди ва маккани қўриб, Алланаяздан “бунга қанча азот берасиз?” деб сўради:

— Азот толиш қийин, мол гўнги бераман. Анави чўқурни гўн билан тўлдирман. Шаҳардаги саночистка машиналари гўнчи кўмларга олиб бориб тўқмоқда, шулар билан келишиб чўқурнинг ичини тўлдириб, устидан маккага сув қочирман. Қарабарақ деган ўсимлик шу ерда ўсади. Чўқурга шуни ташлайман. У гўнни тезда чиритиб, қўлиб чиқартиради. Бунинг таркибиде азот ва калий тузалари бор. Ота-боболаримиз совун бўлмаган замонда кийимларни шу ўсимлиқнинг сувига ювган, — деганда Шароф Рашидов лол қўлиб, жуда миннатдор бўлади.

— Сени туққан ота-онангга раҳмат. Ота-онанг борми?

— Уйимда ёлғиз онам бор. Отам фронтда ҳалок бўлган.

— Онангга салом берайлик. Онангни кўрсат, — дейди Шароф Рашидов.

— Уйим шу овулда. Уйим таъмирталаб. Қўлим тегмааяпти. Узим фариб инсонларга бепул ўй қўриб берияман, — дейди Алланаяз.

Сўнг Ш.Рашидов уйига бориб, онасига салом беради.

— Бу йигит уйига қарамас экан. Бошқаларга ўй қўриб қурб, ўз уйига вақти бўлмас экан. Ҳа Алланаязга ўзинг ўй қўриб бергин, — деб Қаллибек Камаловга топшириқ беради.

Шу воқеадан кейин Алланаязнинг экан максисини қўриш учун Хоразм, Бухоро вилоятларидан одамлар кела бошлайди. Шу ерда қўрғамма ташкил қилинади. Саньаткорларнинг ҳам изи узилмайди. Машхур хондан Комилжон Отаниёзов ҳам Хивадан келиб концерт уюштиради.

1964 йилда Хрущёв ишдан бўшайди, мажмаъхори масаласи ҳам секин муҳимлигини йўқота бошлайди. Шу пайтада колхоз раиси “Энди макка экмаймиз, помидор экамиз” деб Алланаязнинг 40 гектар ерини олиб қўяди. Колхоз раиси ундан хафа қилди. Сабаби, Шароф Рашидов келган пайтада у колхоз раисига хабар қилмаган экан. “Ҳеч бўлмаса 5 гектар ер беринг, мен ҳам помидор экай” деса ҳам айтганини қилмайди. “Боради ерингга бор, сenga ер йўқ” деб пўписа қилади.

Кейин Алланаяз Горкомга боради, у ерда ҳам “помидорни колхоз ишчилари экади, сен мактабни билан бўла бер” деб қайтаради. Қаллибек Камалов у пайтада овулда бўлмайди. Алланаяз энди бир мадад Рашидовдан, деб Тош-

кентга боришга аҳд қилади ва мактаб директоридан рухсат сўраса, у туман халқ таълими бўлимидан сўра, дейди. Туман халқ таълими бўлимига келса улар ҳам рад этади. “Агар Тошкентга кетсанг, ишдан ҳайдаласан” деган жавоб эштади.

Сўнг таваккал қилиб, Тошкентга ўцади. ЎзЛКСМнинг биринчи котиби Р.Абдуллаевнинг олдига боради. Абдуллаевни у доим йигилишларда кўради. У ҳам буни яхши танирди. Унга масалани тушутиради. Абдуллаев Алланаязни республика раҳбарининг олдига олиб қиради.

Ш.Рашидов яхши кутиб олади. Аҳволларини, маккани сўрайди. У барини айтади, ерини олиб қўйганини ва помидор экиш учун фермайтганини ва ҳоказо.

Дархўл Рашидов гўшакни кўтариб Қ.Камалов билан гаплашади:

— Менга одамлар амал, машина сўраб келарди. Алланаяз Утенииyов эса ер сўраб келди. Деҳқончилик қилмоқчи. Қорақалпоғистонда ер озми? Унинг деҳқончилик қилиш қўлидан келади. Нима, унда энди унинг тажрибасини Фарғонада қўлайликми? — дейди.

— Менинг бундан хабарим йўқ эди, ер берамиз. Шароитини ҳам қилиб берамиз. Ўтган йили уйини қўриб бердик, — дейди Қ.Камалов.


Сўнг гўшакни ўрнига қўйиб: — Алланаяз, сenga раҳмат, ер беради. Меҳнатингни кўрсат халққа. Биз сиздек ёшларни кадрлаймиз, Ишинг ҳал бўлди, энди қайтаверинг. Омад ер бўлсин, — дейди.

— Мен уч кун дарсдан қолиб кетдим. Рухсат сўрасам, жавоб беришмади. Мени туман халқ таълими бўлими, мактаб директорини ишдан бўшатган бўлса ҳам керак, — дейди.

— Бўшатмайди. Мана бу қозғон туман халқ таълими бўлими бошлиғига кўрсатди, — деб ўзининг визит қарточкасини беради. Эртасига мактабга борса, ишдан бўшатилганлиги ҳақида буйруқни коридорга илдириб қўйган экан. Туман халқ таълими бўлимига борса, ишдан бўшатилдинг, дейди. “Мен Тошкентга бординим. Шароф Рашидовнинг олдига кирдим” деса ишонмайди.

Қайтанга “Рашидов сени нима қилсин? Унинг сендан бошқа иши йўқ эканми?” деб қалака қилади. Сўнг визит қарточкасини кўрсатганда, туман халқ таълими бўлими бошлиғининг кўзлари хонасидан чиқиб кетай дейди ва ўзи мактабга келиб, директор билан гаплашиб буйруқни бекор қилдиради. Кейинчилик колхоз ер ҳам берди. Полиз экади. Помидорлар қосадай ўниб чиқади.

Олийжаноб инсонни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Искон Қаримов ҳам қадрлаган. “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида уни Бехбудий, Мунав-



варқори, Авлоний, Чўлпон, Фитрат ва бошқа буюклар қаторида кўради.

Шунча ишларни бажариб юрган Алланаяз мактабдаги дарсларини бирон мартаба бўлсаям қолдирмаган. Ҳаттоки, бир вақтлари туман мактабларида инглиз тили фани ўқитувчиси этишмай қолган. Шундай пайтларда ораси 4-5 км келадиган 3 та мактабларга қатнаб ишлашга тўғри келган ва у буни доимо уддалаб келган. Яна мактаблар орасига пийёда қатнаган. Мана шу касбига у 42 йил фаолият юритган.

Алланаяз Утенииyов бутун умри давомида қўли меҳнатдан бўшамади. Фақат 2001 йилда бир мартагина Фарғонага санаторияга борган. Унда ҳам туман ҳокими тездеа чақиртириб олган. Сабаби уни “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак давлат мукофотини топшириш маросимига қатнашш учун Президент девоидан излаётган эди.

Унинг ҳаёти давомидаги қилган ишлари юксак ибрат намунасидир. Агар унинг ҳаёти давомида амалга оширган хайр-саховат ишлари ҳужжатлаштирилиб тегишли органларга топширилганида у халққаро мукофотларга ҳам сазовор бўлиши мумкин эди. Лекин шахсан ўзи қилган ишларини кўз-қўз қилишни умуман ёқтирмаган.

2000 йилда Қорақалпоғистонга оғир келди. Худудда экологик қийинчилик, сувнинг етишмовчилиги юзюга келган бир пайтада у 15 гектар майдонда “Саховат” номли богдорчилик фермер хўжалигини ташкил қилди ва унда ҳар хил мева, полиз махсуслотларини етиштирди. Сувсизлик пайтида қаналнинг тубида қолган сувларини қўлда ташиб богдаги экинларини суғорди. Ундан олдин махсуслотларни меҳрибонлик ва мурувват уйларига бепул тарқатди. Бог ҳозирда унинг болалари томонидан парваришланиб келинмоқда.

Алланаяз Утенииyовнинг хизматлари ҳукумат томонидан юксак баҳоланди. У “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Қорақалпоғистон халқ хизмат қўрсатган ўқитувчиси”, “Ўзбекистон селекциячиси”, “Меҳнат қаҳрамони” орденлари билан тақдирланган. 2001 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Алланаяз Қаҳрамон ўзидан ўлмас буюк мерос қолдириб, 2006 йилда вафот этди. Унинг исми ҳамиша гурур билан тилга олинади. Биз учун Алланаяз исми саховатликда ҳотамтойга тенгдир.

Ўз қайғу аламларини бир четга суриб ЎЗГАЛАР КЎНГЛИГА ҚАРАГАН ХАЛҚДИР БУ



Уруш йилларида Сурхондарё вилоятига 21 мингдан ортиқ, Қашқадарё вилоятига 30 минг нафар, Бухоро вилоятига 150 мингдан ортиқ, Фарғона вилоятига 92415 нафар, Наманган вилоятига 19 минг нафар эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилди. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланди.

“Қахрамон она”, “Хурмат белгиси” совриндори Бахрихон Акромова “Хурмат белгиси” нишони совриндори Шоаҳмад Шомоҳамудов ҳозирда орамизда йўқ. Лекин улар уруш даврида асраб олган фарзандлари хотирасида, барча жафокаш кишилар қалбида яшамокдалар.

сўзлар ёзилган: “Сизнинг уруш вақтида 10 нафардан ортиқ етим болани олиб тарбия қилганингизни эшитиб, француз оналари жуда ҳаяжонланишди. Ажойиб ишингиз, оналик меҳр-шафқатингиз учун сиздан беҳад миннатдоримиз, 1963 йил. 28 июнь”. Оренбурглик тўртинчи синф ўқувчиси Наташа Худяева ўз хатида бундай деб ёзган эди: “Менинг ўз отам-онам бор. Аммо сизлар ҳам мени қизим, болаларингиз, синглимиз деб ҳисоблашларингизни жуда истар эдим. Сизларни ота-она деб аташга розилик беринглар”. Челябинск шаҳридан В.А.Екимов бундай деб ёзган: “Сиз, ҳурматли Шоаҳмад ота ва Баҳри опа каби олижаноб, кучли ва мағрур кишиларимиз бор. Сизларни уйлаганда рўй-замин чиройли бўлиб, саҳийлик билан нур сочади, кишининг қалби қувончга тўлиб, ифтихор ҳислари мавж уриб кетади. Сиз ҳақиқатан ҳам бой ва қувонч куйчиси, офтоб, одамгарчилик хусни, инсон гўзаллигининг хунармандисиз”. Москвалик профессор А.И.Ревякин сўзи: “Биз сизнинг шижоатингиз олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизга минг раҳмат, рафиқангизга минг раҳмат”.

ажойиб мақола ўқидим. Бу мақола менга жудаям ёқди. Ростини айтсам, ҳайратдан ёқа ушладим. Ахир, сиздек олижаноб инсонлар тўғрисида мен ҳеч қачон эшитмаган эдим. Сизларнинг одамийлигингизни таърифлашга, ҳатто сўз ҳам топа олмайман. Бунақасини ҳеч кўрмаганман, ишонасизми?”. Бу дил сўзлари ўзбек халқининг буюк инсонпарварлик хусусиятига жаҳон халқларининг бир вакили бўлган немис қизининг билдирган эҳтироми эди. Самарқандлик аёл Фотима Каримова оиласида 6 нафар фарзанди бўла туриб, эвакуация қилинган 10 нафардан ортиқ болани ўз тарбиясига олади. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: “Ўзбекистон аҳли уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз ноинини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болаларни “Сен етим эмассан!” деб бағрига босиб, меҳр-муруват кўрсатди”.

Уруш тугагандан кейин 1946 йилнинг апрель ойида 1147 нафар поляк болалари, май ойида эса 773 нафар тарбияланувчилари, 514 ходим ва уларнинг оила аъзолари махсус эшелонларда Польшага кузатиб қўйилди. Биргина Қарши шаҳридан 1946 йил 10 апрелда 588 нафар бола ўз уйларига қайтарилди. Уларни кузатиш чоғида Польша бирлик ҳукумати вакили Ружа халқимизга ўз миннатдорчилигини билдириб шундай деган эди: “Йиллар ўтар... Бугун биз ўз юртимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимизга қайтиб кетяпмиз”. Шунингдек, одесслик Л.Г.Магулка шундай деган эди: “Мен уруш йилларида кўп минглаб инсонлар қатори менинг опам, синглим ва уларнинг болаларини ўз бағрига олиб, меҳрибонлик кўрсатган ўзбек халқига таъзим қиламан. Мен бу халқни бу қадар олижаноблигини, меҳр-оқибатлигини, ҳалқсеварлигини бронза ёки гранитга ўйиб ёзишларини сўраб эдим”. Юртдошларимиз тўғрисида билдирилган бундай эзгу фикрлар халқимизнинг юксак инсонпарварлик фазилатларидан далолатдир.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида, энг оғир дақиқаларда, яққол намоён бўлди. Юртдошларимиз озиқ-овқатларга эҳтиёж сезсада, ўзлари емай кўчириб келтирилган ота-онаси болаларга бердилар. Бу Ўзбекистонга эвакуация қилинганларга нисбатан жиддий эътибор қаратилиб, тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилганидан далолат эди. Дунё халқлари олдида ўзбек халқи ўзининг нималарга қодир, қандай халқ эканлигини матонат билан синовларга бардош бериб, намойиш этди. Халқимиз ўзининг қулфатларю, мусибатларини билдирмасдан ўзининг оиласидаги қайғу-аламларини бир четга суриб қўйиб, ўзбекларга хос бўлган хусусиятларини намоён этган эди.

ҲАКИМ АЗИМОВ,
ТДЮУ доценти

ИККИНЧИ жаҳон уруши йилларидаги инсонпарварлик фазилатлари, уларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссаларини ҳолисона ва адолат нуқтаи назаридан ўрганиш тарихий хотира ҳамда келажак учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги, “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, йиллар ўтган сари халқимизнинг жасорати тилларда дoston бўлмоқда. Инсонпарварлик ўзбек халқининг миллий менталитетига хос бўлган азалий фазилатдир. Бундай фазилатлар Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатлари фронт марраларидан кўчириб келтирилган, боқувчисидан ажралган болаларга, қарияларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилишда оғир дамларда синовдан ўтди.

Республикамизга болалар билан биргаликда болалар уйлари ҳам кўчириб келтирила бошланди. 1941-1942 йиллар давомида Ўзбекистонга фронт орти шаҳарларидан 78 та болалар уйи эвакуация қилинди. Келтирилган болалар уйларининг 50 таси муस्ताқил равишда сақланиб қолинди. Уларнинг 4 таси Самарқанд вилоятига, 9 таси Наманган вилоятига, 5 таси Тошкент шаҳрига, 13 таси Андижон вилоятига, 10 таси Фарғона шаҳрига, 9 таси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. 28 та болалар уйи эса тарқатилиб,

улардаги болалар республикадаги мавжуд болалар уйларига, интернатларга ва бошқа болалар муассасаларига, қолганлари эса жамоа ва шахсий тарбияга берилди. Уларнинг сонини уруш йилларида ортиб борди. 1944 йилда республикада болалар уйи 1941 йилдагига нисбатан икки барабар ўсиб, 222 тани ташкил этган бўлса, 1945 йил охирида 256 тага етди. Уларда жами 313200 нафар бола тарбияланди.

Уруш йилларида Сурхондарё вилоятига 21 мингдан ортиқ, Қашқадарё вилоятига 30 минг нафар, Бухоро вилоятига 150 мингдан ортиқ, Фарғона вилоятига 92415 нафар, Наманган вилоятига 19 минг нафар эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилди. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланди.

Шу пайтлари, халқимиз томонидан етим болаларни тарбияла олиш, уларни боқиш кенг миқёсда амалга оширилди. Уруш йилларида оддий ўзбек темирчиси Шоаҳмад Шомоҳамудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромова бошланасиз қолган турли миллат вакиллари бўлган 14 болани ўз тарбияларига олиб воёга етказганлари тарих зарварақларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Тошкентга етим болаларни олиб келтирилганлигини Шоаҳмад Шомоҳамудов атрофдагилардан эшитиб қолади. Ота-оналари фронтда курашаётган ёки фашизм қурбони бўлган кишиларнинг фарзандларини бизнинг ўлкага келтирилганлиги Шоаҳмад Шомоҳамудов қалбини ларзага солди. У одамлар тўғри айтишадигани-йўқми, шунини ба-тафсилроқ сўраб-суриштириш учун шаҳар томон йўл олади. Уруш етимларни келтирилганлиги ҳақиқат бўлиб чиқади...

Уйга қайтган, Шоаҳмад ота ўз рафиқаси Бахрихон аяга бўлаётган воқеаларни бирма-бир сўзлаб беради. Натижада улар уруш

етимларини ўз бағриларига олишга қарор қилдилар. Тезда Шоаҳмад ота 14-болалар уйига етиб келади. Бу ҳақда Шоаҳмад отанинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилиб берган эди: Болалар уйининг ҳамма хоналари гўдак етимларга тўла эди. Улар кўзларини мўлтиратиб менга тикилишарди. Болалар ота-оналарини нечоғли соғинганликлари билини турарди. Ранги оппоқ ҳолдан тойиб, озиб кетган бир болани танлаб олдим. Уни етаклаб хонадан чиқаётган эдим, бошқа бир бола олдимга келиб, бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олса бўлади. “Жон амаки, мени ҳам ўзингиз билан олиб кета қолинг, ҳамма айтганларингизни қиламан, ишингизда ҳаммаша ёрдам бераман”, – деди у тўхтовсиз. Уруш туфайли ўз онаси ва отасидан жудо бўлган бу боланинг оғзидан чиққан ана шу сўзлар бир умр қулоқларим остида жараңлаб турди. Мен эртага келиб, уни олиб кетишга ваъда бердим. Ваъданинг устидан чиқдим. У менга ўғил бўлди. Бахрихон ая билан маслаҳатлашиб, Шомоҳамудов яна бир неча етимни асраб олишга қарор қилди. Болалар уйида унинг назари этларни суюгига ёпишган, касалнамо болага тушди. Тиббий ҳамшира боладан “умид йўқлигини” айтди. Шунда темирчи: “Уни қутқариш – бизнинг бурчимиздир”, деди. Шоаҳмад ота боланинг ёнига бориб, “Сенинг отанг ҳаёт. Мен сенинг отангман” – деди. Шомоҳамудовлар оиласининг доғруги бутун дунёга ёйилди. Бу оила сон-саноксиз табрик мактубларни олди. Биз улардан айримларини келтирамиз:

Француз хотин-қизлар уюшмаси Бахрихон опа Акромовага юборган табригиде мана шу



9 МАЙ

Хотира ва қадрлаш куни



ASIA ALLIANCE
BANK



“ASIA ALLIANCE BANK” Самарқанд филиали
жамоаси барча юртдошларимизни
9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан
самимий муборакбод этади.

**Юртимиздан тинчлик, оилаларимиздан
хотиржамлик, халқимиздан соғлик,
дастурхонларимиздан тўкинлик аримасин!**

ИККИНЧИ жахон уруши жангоҳларида, фронт ортида мардлик ва жонбозлик кўрсатиб, юртимизни бало қазолардан асраган, бу йўлда жон фидо қилган инсонлар хотираси барчамиз учун азиздир. Бутун халқимизга маълумки, урушга отланган юз минглаб юртдошларимизга она ватанига қайтиш насиб ҳам қилмаган. Чунки улар, тинчлик йўлида ўз азиз жонларини қурбон қилишгани кечагидек ёдимизда. Урушдан майиб-мажруҳ ёки соғ-омон қайтганлар эса ўз умрларини юртни қайта тиклашга, тинч, осойишта бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Лекин вақт эса бешавқат. Таассуфки, уруш иштирокчиларининг аксари умрларини яшаб, бу дунёдан ўтишган.

ПОЛКОВНИК БОТИР БОБОВЕ КИМ БЎЛГАН?

“Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю, мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлар эдим”.

Ҳа, ушбу буюк мулоҳазаларга ҳаёти давомида амал қилган жуда қўллаб жасур

Аждодлар матонати ва жасорати авлодлар учун намунадир



ота-боболаримиз, Ўзбекининг асл ўғли деган шарафли номга лойиқ бўлган инсонлар тарихимиз зарварақларида ўчмас из қолдиришган.

Ботир Бобоев ҳақида қисқача маълумот: У 1914 йил Тошкент вилоятининг Кўйлик қишлоғида туғилган.

Гвардия катта лейтенанти. 35-гвардия ўқчи дивизияси 118-гвардия артиллерия полки батарея командири. “Қизил Юлдуз” ордени, II даражали Ватан уруши ордени, “Қизил Юлдуз” медаллари билан

тақдирланган. Барча жангу жадалларда ва Полшанинг Оборники шаҳридаги жангда қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатгани учун 1945 йил 31 майда СССР Олий Кенгаши Президиуми Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. У Берлингача бўлган ҳаёт-мамонт йўлини босиб ўтди.

Унгача Днестр дарёсининг ўнг қирғоғида олиб борилган жангларда Б.Бобоев тўпчилари душманни даҳшатга солди. 1945 йил январь ойида фашистлар пулемёт, автомат, тўплар ёрдамида бор жон-жаҳди билан ҳужумга ўтади. Б.Бобоев бошчилигида жангчилар гитлерчиларнинг шиддатли ҳужумларини матонат билан қайтаришади. Натижада, душман ҳужуми барбод этилиб, аскарларимизга Варта дарёсидан ўтиш йўли очилади.

1945 йилнинг 31 майида гвардия катта лейтенанти Ботирбек Бобоев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ кўрилганлиги ҳақидаги хабарни Берлин оstonасида эшитди.

Биз Сиз билан фахрланамиз!

РЕЙХСТАГГА ЗАФАР БАЙРОҒИНИ ЎРНАТГАН ЎЗБЕК ЎҒЛИНИ

Жасур ўзбек жангчиси Кўчқор Турдиевнинг уруш балосидан юз ўгирмай, ўлимга тик боқиб кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида кўп айтишимиз мумкин. Бу қаҳрамон бобомизга, “Агар ўлсакки, мардона ўлайлик” деган шиор остида Берлингача бориб, Иккинчи жахон урушига нуқта қўйиш насиб этади. Ватандошимиз қуролдош дўстлари билан газандалар уйи – Рейхстагга ҳужум қилиб, бу мудҳиш бино узра зафар

байроғини тикиш бахтига муяссар бўлиб, қаҳрамон жангчилар қаторидан ўрин эгаллаган.

Бир ўзи душманнинг бир дзот, 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 нафарини асир олган. Жануби-Ғарбий фронтнинг ўқчи полки жангчиси Кўчқор Турдиев 1942 йилнинг март ойида Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. Тинчлик учун кўрсатган жасоратларингиз, абадул-абад қалбларимизда қолади.

Ҳа, инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира барҳаёт. Аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ҳам биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бугунги тинч кунларимиз учун ўзларининг азиз жонларини фидо қилган мард боболаримизнинг руҳлари тинч, хотиралари азиз бўлсин.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

XalqBanki

“Халқ” банки Самарқанд вилоят филиали жамоаси барча юртдошларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан самимий муборакбод этади.

Жонажон диёримиздан тинчлик, бағрикенг халқимизнинг дастурхонидан қут-барака ари-масин!

Барчангизга яна бир бор
**БАЙРАМ МУБОРАК
БЎЛСИН!**

— май





УРУШ БОЛАЛАРИ БЕГУНОҚ

Мана 75 йилдирки, уруш болаларининг оғриқли хотиралари

ДОНИШМАНДЛАРДАН бири урушда мағлуб ҳам, голиб ҳам бўлмайдиганида қайсидир маънода ҳақ эди. Чунки, галаба сон саноқсиз қурбонликлар, талофат, азобу уқубат ва йўқотишлар эвазига қўлга киритилади. Унинг жароҳати йиллар эмас, асрлар давомида битиши амримаҳол. Айниқса, болалар чеккан азиятни ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, тўлдириб ҳам бўлмайдиган. Кишилиқ жамиятининг энг заиф қатлами саналган болалар бешафқат уруш, умидсизлик ва илжасизлик исканжасида бевақт нобуд бўлган болалик — бегуноқ қурбонлардир. Иккинчи жаҳон уруши даврида неча минглаб турли ёшдаги болалар ўқ ёмғирлари остида, ўлим лагерларида, меҳнат колонияларида, қоронғу вайроналарда, қишнинг аёзлик кунларида ярим оч, ярим яланғоч бир бурда нон орзуси билан митти жонларини сақлашган. Фронт орти ва ичкарасида қолган ҳар бир бола ҳаёт учун, тириклик учун курашиб, катталар билан барабар галабага ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишган, катталарга хос бўлган барча ишларни бажону дил бажаришган. Қурол-аслоҳа ишлаб чиқариш заводларида, экин далаларида, ҳарбий госпиталларда тонг қоронғусидан кечгача меҳнат қилишган. Уруш болалари - очликдан силласи қуриб битганда ҳам, сўнги нафасларигача очлик аталмиш аёвсиз ёв билан курашиб, тирик қолишининг барча йўллари қидирган беқиёс матонат эгалари. Бу мурғак жонларни ҳеч бир муболагасиз уруш қаҳрамонлари деб аташ жоиз.

Мана 75 йилдирки, уруш болаларининг оғриқли хотиралари асло унутилмайди, аксинча "Отинг ўчсин уруш" дея бонг чалишдан тинмайди.

ОЧЛИКНИНГ АЧЧИҚ ХОТИРАЛАРИ



Иккинчи жаҳон уруши тарихида Ленинград қамали алоҳида ўрин тутди. Немис фашистлар томонидан ўраб олинган Ленинград қамали бир неча йилга чўзилди. 872 кун давом этган қамалда шаҳар аҳолиси нонсиз, сувсиз, ёқилгисиз ва электр энергиясиз қолишди. Қамалда қолганлар ичида турли ёшдаги 400 минг нафар болалар ҳам бор эди. 1941 йилнинг киши жуда қаҳрли келди, лекин одамлар совуқдан кўра очлик исканжасидан кўпроқ қийналишарди. Қамал давомида 630 мингдан кўпроқ ленинградликлар очликдан ўлишди. Айниқса, болалар очликка дош бериши қийин бўлди. Гўдаклар чорасиз оналаридан тинмай фақат нон сўрашарди. Катталар болаларни очликдан, совуқдан ҳимоя қилишга ожиз эдилар. Оналарнинг кўз ўнгидан очликдан силласи қуриган гўдакларни жон таслим қилишарди. Одам бошига кунига 125 грамм нон бериларди. Суви силқиланган қоп-қора, тахир нон. Шу ноннинг бир бурдасига ҳам одамлар хурсанд

бўларди. Болалар ўз улушларини интиқлик билан қўтишарди. Ёши каттароқ болалар урушга кетган оталари, акалари учун, уйига қўшимча егулик олиш учун ёшларига тўғри келмаган оғир ишларни бажаришарди. Зотан, Ленинград қамалидан озод қилинган 15 минг нафар болалар "Ленинградни ҳимоя қилгани учун" медали билан тақдирланди. Уруш тугаб, дорилмон кунларга эсон-омон етиб келган уруш болалари умрларининг охиригача маъшум йилларнинг бутун даҳшатини, очликдан эс-хушини бутунлай йўқотган одамлар жоғеасини унуттишолмади. Улар журналистларга, ёш авлод вакиллари билан учрашувларда аччиқ хотираларининг ҳеч бир тафсилотини қолдирмай сўзлаб беришарди. Болалиқни қўрмаган уруш болаларининг ўз бошларидан кечирган ҳикоялари бугунги кундаги ўғил-қизларимизга тўкин ҳаётнинг, тинчлик-осойишталикнинг, ҳатто нон ушогининг қадрига етишда беқиёс мактаб вази-фасини ўтамоғи тайин.

ЭНГ ҚАЙҒУЛИ КУНДАЛИК

Таня Савичева номи бугунги кунда урушнинг бор даҳшатини ўзида акс этган гўдак сиймоси сифатида кўпчилиқнинг ёдига қолди. Атиги 9 саҳифадан иборат кундалигига ўз қўли билан ёзиб қолдирган Савичевларнинг жоғеавий тарихи қизалоқни бутун дунёга танитди. Бу тарих уруш жаҳрини тортган барча миллат ва элат халқлари томонидан Иккинчи жаҳон урушининг шафқатсиз тимсоли деб қабул қилинди ва энг қайғули кундалик деб топилди. Таня Савичева 1930 йилнинг 23 январиди Ленинградда каттагина, ўзига тўқ ва аҳил оиллада туғилди. Унинг меҳрибон отаси, онаси, Жёня, Нина исмли опалари ва Лёка, Миша исмли акалари бор эди. Йирик тадбиркор отаси ўлган Савичевлар оиласи бувиси ва амакилари билан яна катта оила бўлиб бирга яшай бошлашди. Уруш бошланган биринчи кундан оқ Савичевлар оиласи имконлари етунча Қизил армияга ёрдам беришга киришди. Опаси Нина шаҳар ҳимояси учун хандақлар қазиб ишларига жалб қилинди. Жёня опаси ярадорлар учун қон топишарди.

Танянинг онаси эса аскарлар учун кийим тикарди. Оила кенжаси Таня душманларга қарата отиладиган ёқилги қўйиш учун бўш шиша идишлар терарди. Унинг акаси Лёка кўзи хиралиги учун, амакилари эса ёшлари катталиги учун ҳарбий хизматга олинмади. 1941 йил 8 сентябрда Ленинград қамалда қолди. Ортидан қаҳратон қиш ва очлик бошланди. Қамал ичидагилар уруш кўпга чўзилмайди деб ўйлашарди. Бир кун Таня уй йиғиштира туриб, опаси Нинанинг ёзув дафтарини топиб олади. Дафтарнинг ярми телефон номерлари ва бошқа ёзувлар билан тўла, қолган ярми эса бўш эди. Кўп ўтмай Танянинг қўлидаги бу дафтарда биринчи ёзув пайдо бўлди: "Жёня 1941 йил 28 декабрь соат 12.00 да ўлди". Жёня очликдан силласи қури-са-да, ярадорлар учун қон топишар ва ҳар кун етти километр йўл босиб заводга ишга бориб келарди. 28 декабрь кунининг машаққатли йўли ўз якунига етди, опаси Нинанин кўлида жон берди. Орадан бир ой ўтмасдан, Танянинг кундалигига болалар қўлига хос бўлган яна бир битик ёзилди:

"ОТАМ ЎЛДИ. БУВИМ ҲАМ, ОНАМ ҲАМ ЎЛДИ"

Неча минглаб бегуноқ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган, болаларни болалик бахтидан мосуво қилган, қанча обод юрتلари вайронга айлантирган маъшум уруш бошланганида Татьяна Рудиковская 9 ёшли қизалоқ эди. Уни ота-онаси эркалиб "кичкина Таня" деб аташарди. Сталинград остонасида жойлашган Озерка шаҳарчасининг машур Рудиковскийлар оиласида Татьяна исми уч нафар аёл — бувиси, онаси ва кичкинтой қизалоқ бор эди. Урушдан фақат биттаси кичкина Танягина омон қолди. 1942 йил янги йил арафасида қизалоқ кундалик ёзишни бошлади. — "Бугун туғилган куним. Байрам дастурхонига тўрт дона қайнатилган картошка қўйилди. Ойим менга бири дона саргайиб кетган оқ қанд совға қилди, акам эса ўзи чизган расмин. Кейинги ойда акам 13 ёшга қиради. Отам табора нимжон бўлиб бораляпти. Оёқларини зўрга судраб босади. Шундай бўлса-да ҳар кун ишга бориб келади. Трамвайлар тўхтаб қолганлиги учун 10 километр йўл босиб, пиеда қатнайди. Кўчада қор қулоққа етади. Совуқ. Декабрь ойи, кечки пай отам иш-

дан қайтмади. Кўчада йиқилиб ётган экан, ойим топиб келди. Шундан бери тўшақда қимирламай ётади. Қўшини аёл мушугимиз Кимкани "уйимизда сичкон кўпайиб кетди" деб олиб кетганича қайтармади. Еб қўйишгани аниқ. Кучуқини ҳам ейиш учун ўғирлаб кетишди. Одамлар оч бўлгани учун ит, мушукларни ҳам ейишарди. Лекин биз бундай қилмадик. Отам ўрнидан ҳам туролмай қолди, февралда эса очликдан силласи қуриб ўлди. Лекин уни кўммасдан, совуқ хонада қолдирдик. Март ойда ҳам ўша ерда ётди. Шундай қилмасак, унинг нон карточасини олиб қўйишарди. Апрель бошида, ўша нон эвазига, аравақаш отамни қабристонга олиб бориб кўмди. Отамнинг омади бор экан. Бошқа мурдаларни музлаган ерни қовлашнинг имкони бўлмагани учун қор тагига қўйишарди. 1943 йилнинг кузида бувим ҳам ўлди. Уни аравачасига солиб, акам иккаламиз қабристонга кўмиб келдик. Уйимизда ҳеч бир егулик қолмади. Карточкага бериладиган нон табора қамайиб бораляпти. Акам ёши етмасча ҳам кўнгиллилар сафига қўшилиб, ҳарбий хизматга кетди. Ойим ҳам ўлди..."

Александр Скрябин

67 ёш, Харьков — Уруш бошланганда 11 ёшда эдим. Отам урушга кетди. Мени ва иккита синглимни боқиб онамнинг зиммасига тушди. Онам тонг қоронғусида тиззадан қор кечиб яёв ишга бориб келарди. Бунинг эвазига учта боласига энг қимматли неъмат — нон олиб келарди. Онамнинг келишини интиқлик билан кутардик. Қорнимиз ҳеч тўймади. Кичкина синглим тўйиб овқат емаганидан шишиб кетди. Ўз улушини ҳам емай бизга беравергани учун онам ҳам касал бўлиб ётиб қолди. Кун-ора қўлимда чўғич билан 26 километр йўл босиб, шаҳарнинг четига, деҳқонларнинг даласига борардим. Музлаган ерни қовлаб, ҳосил йиғим теримдан қолиб кетган бир-икки дона музлаган картошками, шалғомни топиб уйга келтирардим. Қуруқ сувга солиб, шўрва қайнатардик. Ойим, синглиларим хурсанд бўлишарди. Гоҳида совуқдан, очликдан дод деб бошимни деворга ургим келарди... Бир кун кўчадан яримжон мушукни топиб уйга келтирдим. Онам синглиларимга қўрсатмай, ундан шўрва тайёрлади. Лекин билишганда ҳам ҳеч нарса ўзармас эди. Ҳамманинг фикри ёди фақат овқат, тишга босгудек бирор нима топиш эди...

"БУВИМ 1942 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ СОАТ 3 ДА ЎЛДИ"

Евдокия буви андан бери невараларига ортиқча нонхўр бўлиб келатганини биларди. Шу сабабли иложи борича камроқ ейишга ҳаракат қиларди. Етарли овқат емаслик оқибатида касалликдан ўлим топди. 1942 йил 28 январь кунини Нина уйга қайтмади. Онаси қизининг дарагина топиш учун қўп уринди, лекин натижа бўлмади. Таня бу ҳақда кундалигига ҳеч нарса ёзмади, қизалоқ опасининг тирик эканлигига ишонгиси келарди. Орадан ярим ой ўтар-ўтмас акаси Лёка ҳам кутилмаганда йўқ бўлди. Таня унинг бир умр гоийиб бўлганини билди ва буни кундалигига ёзиб қўйди: "Лёка 1942 йил 17 март кунини соат 5 да ўлди". Лёка ҳам худди Евдокия бувиси каби очликдан силласи қуриб, ётган жойида жимгина жон берган эди. Кейинги ёзув ҳам ўзини узоқ куттирмади. "Вася амаки 1942 йил 13 апрель соат 2 да ўлди". Урушнинг аянчли оқибати очлик Савичевлар оиласининг аъзолари вабо каби бирин-кетин халок қиларди. Ўлим шаҳар аҳолиси учун одатий ҳолга айланган, ундан ҳеч ким сесканмай ҳам қўйди. Таня яна қўлига қалам олди: "Лёша амаки соат 4 да ўлди. 1942 йил 10 май" ва қора дафтарини яшириб қўйди. Уч кундан кейин кундаликка бир-биридан оғир бўлган 4 та охириги ёзувини киритди:

"1942 йил 13 май соат 7.30 да онам ўлди". "Савичевлар ўлишди". "Ҳамма ўлди". "Битта Таня қолди". Таня Савичевларнинг ҳаммаси ҳам ўлмаганидан беҳабар, бу дунёни тарк этди. Унинг опаси Нина галабадан сўнг 1945 йилда уйига қайтиб келган, ярим вайронга уйдиги буюмларни титкилаб, Танянинг кундалигини топади. Фронтда оғир жароҳат олган Миша ҳам фронтдан она юртига қайтиб келади. Махсус санитар қўтқарув гуруҳи очликдан ҳушнинг йўқотган Таняни топишарди, у зўрга нафас оларди. Бошқа очликдан силласи қуриган ленинградлик болалар билан бирга Таня Нижегород шаҳридаги посёлкага жўнатилди. Ерлик аҳолининг ғамхўрлиги боис, шўрлик етимлар тезда оёққа туришарди. Лекин, Танянинг организмни очликдан бутунлай қуриб битган экан. Унинг тинмай қўл-оёқлари қалтирар, еган овқати ошқозонига ботмас эди. Таня Савичева 1944 йил 1 июлда қўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай жон берди. Урушнинг на-вбатдаги 12 ёшли қурбонидан кейинчалик "Татьянининг кундалиги" деб ном олган машҳур ёзувлар қолди. Хаста, титроқ ва нимжон бола қўллари билан битилган 9 гоҳоздан иборат кундалик Эрмитаж музейидан жой олди.

ЁВУЗЛИК ЧАНГАЛИДАГИ ҚУРБОНЛАР

асло унутилмайди, аксинча "Отинг ўчсин уруш" дея бонг чалишдан тинмайди.

ЎЗБЕКЛАР ҒАЛАБА УЧУН ЖОНИНИ ҲАМ, МОЛИНИ ҲАМ ТИКДИ

Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқининг бошига ҳам жуда кўп йўқотишлар, қулфат ва талофат келтирди. Минглаб аёллар бева ва болалар етим бўлиб қолдилар. Ота-оналар фарзандлари доғида қайғу-алам билан бу дунёдан кўз юмдилар. Лекин халқимиз машаққатни мардановар енгди. Жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага бекиб ҳисса қўшди. Инсоният бошига бало келганда ўзбекистонликлар жонини, жондан азият фарзандларини, молини, еб турган нонини берди. Қўлидаги бир дона ноннинг тенг ярмини фронтга, қолган ярим ноннинг ярмисини эвакуация қилинган одамларга берган халқимизнинг йўқотишларини ҳеч нарса билан қўлаб бўлмади. Айрилик ўтига дош беролмай кўзи очик кетган оналар, гўшангаси йиғиштирилмай туриб тул қолган ёш келинлар, етим қолган ярим оч, ярым ялонғоч болаларнинг ҳар бири чеккан азоб-уқубатлари, машаққатли меҳнатлари билан ғалабага улкан ҳисса қўшди.

едим. 17 ёшимда биринчи жангга кирдим...1946 йилда кўксим тўла орден ва медаллар билан она юртимга қайтдим. Отам ва икки акамдан қора хат олган онам бечора мени кўриб, хушидан кетди. Бор будини, етиштирган ғалласини фронтга жўнатиб, ўзи оч, юпун қолган қишлоқ аҳолиси жуда қашшоқлашиб қолган эди. Одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, дастурхонини бутлаш учун йиллар керак бўлди. Лекин одамларимизнинг юрагидаги уруш жароҳати бугунги кунга келиб ҳам битмади.

Жаннат Муслимова.

Оқкурғон:

– Уруш бошланганда ақл-хушини таниган қиз эдим. Қишлоғимиздаги бор эркак фронтга кетиб, даладаги барча юмуш аёлларга қолди. У кунлар машаққатини сўз билан таърифлашга тил ожизлик қилади. Аввалига соғин сигиримизни, кўрпа-тўшақларларни, кейин қишга ғамлаган туршақларимизгача фронт учун топширдик. Бобом томорқамизда эккан маккажўрригана жонимизга аро кирарди. Қиш кунлари машшоқда терган донни аябгина атала қиламиз, ярим коса иссиқ овқат ичимизга кирганига шўкр деймиш. Шунга ҳам зор одамлар қанча... Отам урушда бедарак кетган, амаким ва катта акамдан қора хат келган қора кунларнинг бирида аёлларга солиқ солинди. Фалон миқдорда тилла тақинчоқларни топширинглар дейишди. Ҳукумат одамлари уйма уй юриб, аёлларнинг тақинчоғини йиғиб олишди. Бизга навбат келганда онам ҳеч иккиланмай қўлидаги узугини ечиб берди. Улардан бири узугини қўлига оларкан: – Озку янға. Фронтдаги аскарларимиз учун аяманг, яширганларингизни ҳам чиқариб беринг – деди. Онаминг уша дамдаги ҳолатини ҳеч унутма олмаман. Узоқ каловонди, сўнг бувимдан қолган ёдгорлик бир

жуфт балдоқни яширган жойидан олиб, титроқ қўллари билан унга тутақзди. Онам кейинчалик "Тилла балдоққа ачинмайман, уни кенжа ўғлимнинг тўйида келинга тақаман деб ният қилгандим. Яхши ниятнинг ўз қўли билан бузганимга ачинаман" деб кўп йиғларди.

Келтирилган манбаларга қўра, уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 миң нафари болалар эди. Халқимиз уларга уйларидангина эмас, юрак қўридан бошлана, сўнги бурда нонини баҳам кўрди. Ота-онасидан ажралган уруш болаларини ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ўзбекона инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди.

Анна Сиддиқова, Тошкент:

– Уруш мени 5 ёшли қизалоқни бир кунда ота, онамдан, яқинларимдан айирди. Эсимда қолгани даҳшатли портлашлар ва отам Сталинград остонасида халок бўлгани ҳақидаги хабар. Шум хабар келган кунни уйимизга бомба тушди. Онам, синглим ва мен вайрона уйда бир ҳафтадан ортиқ қолиб кетдик. Ташқарига чиқолмаймиш. Теламиздаги уй шифти ҳар дақиқда қўлаб тушиши мумкин. Энг ёмони нон ҳам, сувимиз ҳам туғади. 3 ёшли синглим онаминг қўлида жон берди, онам уни уйнинг бурчагига кўрпага ўраб ётқизиб қўйди. "Верочка ухляпайди, майли ухласин" деди менга. Қўрқинчли воқеа содир бўлганини билиб турардим. Йиғлашга ҳам ҳолимиз йўқ эди. Бизни топишганда онам зўрга нафас олارد, у шифохонига етмай жон берди. Мени бошқа болаларга қўшиб поездага ўтиришди. Жуда узоқ юрдик. Сувуқ, очлик ҳаммамизни ҳолдан тойдирди. Йўлда ёши каттароқ Паша тинмай Тошкент деган шаҳар ҳақида гапи

рарди. "Бизни Тошкентга олиб кетишяпти. Отамдан эшитганман, у ер иссиқ, нон кўп. Олмалар кўчада сочилиб ётади. Истаганинча териб олиб ейверасан, ҳеч ким индамайди. Тезда Тошкентда бўламиз. Мазза қилиб, тўйиб овқат еймиз. Мана кўрасанлар у ерда одамлар жуда саҳий, худди эртақлардаги каби". Унинг сўзлари бизга далда берар, кўз одимизда кўчаларда олмалар сочилган, нон сероб афсонавий юрт гавдаланарди. У ерда фаришталарга ўхшаш одамлар яшашиди, жуда саҳий, қанча мева есанг ҳам қоймайди.

Манзилга етиб келганимизда бизни совуқдан қизарган қўллари қадқоқ, юзларига машаққатли меҳнат аёвсиз из қолдирган, лекин кўзлари чексиз ачишиш, ҳамдардлик ва самимий меҳрга тўла одамлар кутиб олишди. Мени боқиб олган Жамила онамининг икки қизи ва бир ўғли мени жон жигарларидек қабул қилишди. Бир бурда нонни бирга баҳам кўрдик, яхши кунларда ҳам, оғир кунларда ҳам бир-биримизга таянч бўлдик. Онам мени "кенжатай қизим" деб эркатларди. Мен унинг сўлгин озига қараб қари аёл деб уйлардим. Лекин Жамила онам уша пайтлари бор-йўғи 30 ёшда экан. Онам биз болаларни боқиб унун бир умр заволда ишлади. Гоҳида бир чақмоқ қандни тўртта тенг бўлиб бизга берар ва худди ўзи ширинлик егандек хурсанд бўларди. Узининг янги, келинлик кўйлақлақларини кесиб, менга чиройли кўйлақлар тикиб берарди. Пашанинг гапларида жон бор экан, Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам фаришталардан, бағри кенг, саховатда тенгсиз инсонлар яшар экан. Мен каби неча юз минглаб россиялик уруш болаларининг ҳаётини ўзбек халқининг нони ва бошланасигина эмас, чексиз меҳр-мурувати сақлаб қолди. Буни унутиб бўладими...



Норбек ота Шамсиев, Янгийўл:

– Уруш бошланганда 13 ёшда эдим. Отам, икки акам бирин-кетин урушга кетишди. Аввалига улардан хат-хабар келиб турди. Кейинчалик эса бутунлай узилди. Ҳар кунни почтачи қизнинг йўлини пойлардик. Даладан чарчаб келса-да, оч-наҳор бўлса-да йўлга қарардик. Уйимиздаги бор нарса – донни, молни, қўритилган меваларни, иссиқ кийим-кечак дейсизми ҳаммаси фронт учун олиб кетилди. У пайтда айрим колхоз амалдорларининг қамчисидан қон томарди. Бир ҳовуч дон учун одамларни ўласи қилиб савалашган кунларни ҳам кўрганман. Шундан бўлса-да, онам биттагина эчкимизни уларнинг қўлидан "Фронттавининг тўрт нафар болаларини қандай боқаман?" деб аранг олиб қолган. Мен эрта баҳордан қишга-ча онам билан далада ишлардим. Меҳнат ҳақимизга фақат ярим

коса ёвгон ва яримта қора нон бериларди халос. Онам иккимиз улушимизнинг ярмини ўзимиз емай сингилларимга олиб келардик. Бу кунларимизни ҳам кўп кўришди. 15 ёшимга етар-етмас қишлоғимиздаги ишга яроқли кишиларга қўшиб, ишчи батальонига олиб кетишди. Россиянинг душмандан тозаланган турли ҳудудларида ҳар хил ишларни бажарар эдик. Ўзбекистонда кийиб юрган кийимда келганмиз. Совақ ўлканинг қаҳратон совуғига дош беролмай қанча ҳамюртларимиз ўлиб кетишди. Еганимиз музлаган балиқ шўрва билан дарахт қилиғи аралаш қора нон, тишласанг тишга ботади. Қўл-оёғини совуқ уриб нобуд бўлганлар қанча. Кейинчалик аҳолимизни кўриб, иссиқ кийим бош беришди. Биз ёшлар бу азобдан қўтилишинг яғона йўли фронтга кетиш деб, кўнгилилар қатори урушга жўнадик. Аскар кийимини кийгачгина, қорним тўйиб овқат

БИТТАСИ БЎЛСАЯМ КЕЛМАДИ-Я! ОНАЛАРНИНГ АЧЧИҚ АРМОНИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунда қилган маърузасида, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган чексиз матонати ва ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида гапирар экан, аскар оналарининг жасоратига алоҳида ургу берди: "...Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, тибарруқ Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуг зот – онадир. Урушининг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир.

Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўлаб топилади.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмақчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли бир муътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз. Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан – Исоқжон, Аҳмадхон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азият фарзандларидан жудо бўлган.

Узингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам ийқитиб, ясон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин, Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин

сабр-бардош бўлиши керак! Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати!"

Дарҳақиқат, уруш туфайли, фарзанд доғини кўтарган оналарнинг матонати олдида ҳар қанча таъзим қилсак ҳам. Ўзбекистонда Зулфия ая каби миллионлаб оналар кўзлари йўлда нигорон, бағри қон бўлиб, армон билан бу фаний дунёдан кўз юмишди.

Шулар жумласидан Мисқол момо Фармонова кеч бўлса ҳам бирин кетин уч ўғил кўрди. Уч ўғил ногўл йиғит бўлганда уруш бошланди. Олдин Маҳкамбой, ортидан Усарбой ва Усганбойлар бирин кетин урушга кетишди. Уларнинг изидан момом ва бобом изиллаб қолавердишди. Момом ўлгунича уч донна тишланган нонни авайлаб сақлаб қолди. Момомнинг сандиғида яна бир кўз қарочигидай сақланаётган бойлиги – ўғиллари урушдан жўнатган хатлар бўларди. Саргайиб кетган қроғоздаги ёзувлар йилларми ёки юзига суриб ўпаверганиданми билинмай кетган бўлса-да, Мисқол момо ҳар бир хатдаги ҳар бир сатрни ёддан биларди. Гоҳида сандиқни очиб, "Мана бу Маҳкамбойнинг хати, мана буниши Усарбойники..." деб ох уриб қўрди. Айтишларича, момом бир неча йиллар давомида ўғиллари-

дан келган қора хатни тан олмай, болаларига аза очини истамаган экан. "Ҳеч бўлмаганда биттаси қайтади" деб ишонган. Бобом ва яқинларининг қистови билангина уруш туғанга умидини узиб, аза тутган экан. Болалигимда момомнинг "Биттаси бўлсам келсайди. Қўлсизми, оёқсизми... Маҳруҳ бўлсам тирик бўлсайди" деган ўчинчи сўзларини кўп эшитганман. Момонинг ўзи тўққан қўшиғи бўларди: "Анав кўринган томмикан, бу дунёда Усарбойим бормикан, Маҳкамбойим бормикан...". Мисқол момонинг ўлим олдидаги охириги сўзлари ҳам шу бўлди: "Маҳруҳ-майиб бўлсам майлийди, бирортаси келсайди!".

Юртбошимиз айтганидек, муштипар оналаримиз матонати, бардоши билангина дунё барқарор, ҳаёт давом этмоқда. Оналар жасорати бор экан, инсоният бошига тушган турли балоларни, офатларни ва урушларни енгиб, ғалабага эришади. Биргина Иккинчи жаҳон урушида мушфиқ оналар кўрсатган мардлик ва жасоратини эшитганда, Хадиси шарифда келтирилган "Жаннат оналар оёғи остидадир" деган ҳикматнинг нақадар ҳаққоний эканлигига амин бўламиз.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА
"Инсон ва қонун" мухбири



ҚУЁШ – ТИРИКЛИКНИНГ МУҚАДДАС НЕЪМАТИ

■ Қуёш тарихи

ТИРИК мавжудот, жумладан инсон ҳаётининг яшаши ва давом этиши ер, сув, ҳаво, қуёш ва бошқа табиат бойликларини мутаносибликда сақланиши билан боғлиқ. Ана шундай мўъжиза бойликлардан бири қуёшдир. Қуёш сайёрамизнинг ҳаёт манбаи. Қуёш нурларисиз Ерда ҳаёт бўлмайди. Қуёш асосан икки газ-водород ва гелиядан иборат улкан қизиган шар. Қуёш массасининг 72 фоизи водород ва 26 фоизи гелиядан иборат. Қолгани арзимас миқдордаги бошқа элементлардир. Ҳар соғияда 700 миллион тонна водород ёниб, гелига айланар экан.

У биздан 150 миллион километр йироқда жўлашганлиги сабабли осмонда кўзни оладиган даражада ёрқин кичкина доирача бўлиб кўринади. Қуёшнинг кўндаланг кесими ўлчами Ерникдан 109 баравар катта, қуёшни ташкил этган моддадан эса бизнинг Ермиздек 330 мингта шар яшас мумкин бўлар экан. Қуёш сиртининг температураси 6.000 даража, унинг ичкарасида, марказига яқин жойда эса иссиқлик 15 миллион даражагача борар экан.

Ҳаттоки тарихий манба ҳисобланган "Авесто" китобида алоҳида бўлим "Қуёш қасида-си" деб номланиб унда, "Офтоб, дегани Ердан анчайин узоқда, ўзини-ўзи куйдириб ёндириб портлаб, порлаб яшайди. Қуёш замин фарзандларига маъсул. Эҳтимолки, унинг еттикат самога ҳам маъсуллиги бордир. Жумлаи-жаҳонни асрамоқ угангина хос" дег кўрсатилган.

Биз тарихдан биламизки, Меркурий Қуёш ва кузатув нуктасининг айни ўртасида ҳаракатланишидан иборат астрономик ўттиш илк маротаба франциялик астроном Пьер Гассенди томонидан 1631 йил 7 ноябрда тавсифланган. Ҳодиса олимларга Меркурий гардишини ўлчаш ва Ердан Қуёшгача бўлган масофани баҳолаш имконини берган.

■ Қуёш вақти келиб ёниб тугайди

Эндиликда, мавжуд табиат ресурслари тугаб бораётган бир даврда қуёш нурларидан фойдаланиш ҳам инсоният олдида муҳим вазифаларни кўймоқда, ваҳоланки, биз бундан буён ҳаётимизда муқобил манбалардан оқилона фойдаланишимиз лозимдир. Унинг тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз келинги айрим қизиқарли маълумотларга эътибор берсак.

Қуёшни чироқ сингари ўчириб қўйиш имкони бўлса ва бу имкониятдан фойдаланилса, бир ҳафта ичида Ердаги ҳарорат - 18 даражага, бир йил ичида эса - 75 даражага тушади ва жон сақлаш мумкин бўлмай қолар экан. Қуёш борган сари иссиқроқ ва ёрқинроқ бўлиб бормоқда. Вақтлар

ўтиб, у ўн марта ёрқинлашиши мумкин. Фақат бунинг учун тахминан миллиард йиллар керак.

Шундай сайёралар ва уларнинг йўлдошлари борки, уларнинг айрим қисмларига қуёш нурлари узлуксиз тушиб туради, яъни ўша ҳудудларда тун бўлмайди. Олимларнинг ҳисоб-ки-тобларга кўра, Қуёш ўзининг ўрта ёшини яшамоқда. Астрономлар маълумотларига қараганда бу юлдуз пайдо бўлганига 4,5 миллиард йил бўлган ва яна тахминан 5 миллиард йилдан кейин у ёниб битиб, аввал қизил гигантга, кейин оқ карлик юлдузга айланар экан. Агар инсоният қуёш энергиясини ишлаб чиқаришни истаса, ҳар соғияда 100 миллиард тонна динамит портлатиб туриши лозим ва бунга ақл бовар ҳам қилмайди.

■ Қуёш энергиясидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

Тахлилларга қараганда, ҳозиргача дунёнинг 80 га яқин мамлакатда Муқобил энергия манбалари соҳасида миллий қонунчилик яратилган, 70 га яқин мамлакатда эса муқобил энергия манбалари билан ишлаш ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, сўнгги ўн йилликда мазкур соҳада Австралия, Белгия, Бразилия, Канада, Хитой, Дания, Эстония, Чехия, Франция, Германия, Ирландия, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, Сингапур, Швеция, АҚШ, Хиндистон ва Монголия каби мамлакатларда тегишли қонунлар қабул қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Ҳозирги кунда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича Германия, Япония, Хитой, Малайзия, Жанубий Корея, Испания ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Германия атом электр станцияларидан фойдаланишдан воз кечмоқда, 2020 йилгача электр энергиянинг 20 фоизини муқобил энергиядан олишни режалаштирган, ҳар йили эса 100 минг уйнинг томини қуёш панеллари билан қопламоқда. Бундай усулдан фойдаланиш ҳар томонлама қулайлик туғдиради, ҳеч қандай ортиқча жой талаб қилмайди, аксинча, уйни хоҳлаган вақтда иситиш, хонадон эҳтиёжини тўлалигича электр энергия билан таъминлаш имконияти бўлади.

Жаҳонда биринчилардан бўлиб муқобил энергиядан Япония, Германия, Хитой, АҚШ ва бошқа давлатларда кенг фойдаланила бошланган. Бунинг асосий сабабларидан бири бу давлатларда ёқилғи қазилма бойликларининг камлиги, демографик ҳолатни юқори даражада эканлиги ҳамда энергетика ресурсларига нисбатан инсон эҳтиёжининг ошиб бо-

раётганлигидир.

Қуёш энергиясидан биз фақат электр энергия олиш учун эмас, балки ундан коллекторлар орқали сув иситишда, қуёш ўчоғи орқали овқат, нон пиширишда, чучук сув олишда, меваларни қуритишда, тиббий даволаш манбаи сифатида фойдаланишимиз мумкин. Ҳозирда Хиндистон ва Хитой давлатларида 2 миллиондан ортиқ қуёш ўчоқлари мавжуд.

Масалан: Дубай шаҳрида қуёш нурларини электр энергиясига айлантириб берувчи катта электрстанция қурилиши бошланган эди. Режа бўйича 2030 йилга келиб, мамлакат аҳолисининг электр қувватига бўлган эҳтиёжининг ўн беш фоизини ана шу электрстанция қондириши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда эса Бирлашган Араб Амирликлари тўқсон тўққиз фоиз электр қувватини табиий газдан олаётган. Электрдан фойдаланиш йилгача беш фоизга ошаётган бир пайтда қуёш нури орқали ток қувватига эга бўлиш энг арзон ва экологик тоза усул бўлиб ҳисобланади.

■ "Улкан қуёш ўчоғи" дея тан олинган мамлакатларни биласизми?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Она юртимиз — Ўзбекистонда қуёш бир йилда 320 кундан ортиқ нур сочиб турар экан ва бугунги кунда ана шундай Аллоҳ берган илоҳий мўъжиза — қуёш нури (энергиясидан самарали фойдаланиш мумкин).

Шу маънода, Ўзбекистонда қуёш нури, яъни муқобил энергия манбаи сифатида фойдаланишнинг биринчилардан бўлиб академиклар Убай Орипов, Содиқ Азимовлар 1950 йиллардан бошлаб уйлари иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш коллекторларини ишлаб чиқди ва бир неча уйлар қурилиб таъжриба синовлари ўтказилган.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли таъжриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир неча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб боришмоқда. Табиий бир савол туғилиши мумкин. Дунёда кўпгина мамлакатлар бор, аммо қуёш нурларидан фойдаланишда Ўзбекистоннинг имконияти ва салоҳияти қандай?

Таъкидлаш жоизки, дунёда "Улкан қуёш ўчоғи" деб тан олинган мамлакатлар мавжуд. Биринчи ўринда Франция давлати бўлса, иккинчи ўринда эса жонажон-Ўзбекистонимиздир. Мамлакатимизда Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ-Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилинганлиги катта аҳамиятга эга бўлиб,

уларнинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илгор технологияларни нафақат республикада, балки бутун Марказий Осиёда таъжриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади. Кейинги вақтларда табиий жараёнлардан, яъни қуёшли сув иситиш, шомол генератори кабилардан фойдаланиш муқобил қайта тикланувчи энергия манбалари кўламини оширмоқда.

■ Қуёш сув иситишчилари ҳам қулай, ҳам тежамкор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" иқтисодий ёта энергия ва ресурслар сарфини камайитириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳам электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг рағбатлантириш зарур", — деб таъкидланганлиги бу масалага жаҳон андозасига мос эътибор қаратишликни таъқоз этиди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, 2013 йилнинг 20-23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Осиё "Қуёш энергияси" форумининг 6-йигилиши ўтказилди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Халқаро Қуёш энергияси институтини ташкил қилиш ва Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВтга тенг қуёш электр станциясини қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилинган эди.

Эътиборли томони шундаки, Европа давлатларида муқобил энергиядан фойдаланувчилар ўз эҳтиёжидан ортиқ энергияни давлатга сотадилар. Аҳоли электр энергияси ишлаб чиқаргани учун давлатдан ҳақ олади.

Мазкур соҳадаги ишларни замонавий талаб асосида олиб бориш мақсадида, Давлатимиз раҳбарининг "Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги, 2017 йил 26 майдаги "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий ёта тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорларини қабул қилинганлиги ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 19 июль "Ўзбекистон Республикасидаги атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонида кўрсатилганидек, ҳозирги вақтда республика иқтисодий ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжи энергиянинг қайта тикланмайдиган манбаларидан, жумладан, ресурслари чекланган углеводород хом ашёларидан устун даражада фойдаланиш ҳисобига қопланмоқда. Ваҳоланки, мамлакатда уран хом ашёсининг улкан захираси бўла туриб, амалда атом энергетикаси салоҳияти ишга солинмаган.

Қуёш сув иситишчилари экологик тозалиги, кўп хизмат талаб этмаслиги ва узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги билан ажралай турилади. Бундай қурилмалар нафақат қуёшли, балки булутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади. Мазкур соҳадаги ишлардан кўзланган асосий мақсад кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишдир. Бу тизим қуёш энергияси ёрдамида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув ва энергия билан узлуксиз таъминлаш, энергия ресурсларини тежаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб бугунги кунда асосий энергия манбаи бўлган табиий ресурсларни тежаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузурида "Эко-Энергия" илмий тадқиқот маркази ташкил этилганлиги ҳам қувончлидир.

Умуман олганда, қуёш энергияси экологик софлиги ва қулайлиги нуктаи назаридан жуда истиқболли бўлиб, Ўзбекистонда бу соҳадаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланаётгани халқаро андозаларга мосдир.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
ТДЮУ "Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

ИШ ҲАКИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ҚАЧОНГАЧА?

ТЎРАҚЎРҒОН туманида ўтказилган сайёр қабулда 8 нафар фуқаро ишонаси — яъни, Наманган вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК томонидан 2019 йилдаги иш ҳақидан асоссиз ушлаб қолингалиги юзасидан норози бўлиб, ушбу ҳолатни қонуний ҳал этилишида амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.



Мазкур мурожаатлар Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан ўрганилди. Бўлим томонидан Наманган вилоят “Тоза ҳудуд” ДУКга сўров хати юборилди. Юборилган сўров хати юзасидан тақдим этилган маълумот ва илова ҳужжатларига кўра, Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги Қарори асосида Наманган вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК ташкил этилганлиги, 2017 йил 1 июлдан туман(шаҳар) Ободонлаштириш бошқармаларининг санитар-тозалов бўлими “Тоза ҳудуд” ДУКга ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, ҳодимларга бериладиган иктомий кафолатлар бўйича туманлар ҳокимликлари ҳузурдаги ободонлаштириш бошқармалари қайта ташкил этиш даврида мавжуд бўлган маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи участкаларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланса-да, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар даволатнома асосида топширилмаганлиги оқибатида ҳақдорлик ва қарздорлик мавҳум ҳолатда қолган. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2019 йил 3 апрелдаги икром ҳужжати юзасидан 2019 йилдаги инкассо топшириқномаси икром этилиб, пул маблағлари МИБ Наманган шаҳар бўлими депозит ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги юзасидан ўтказиб берилган сумма ушбу ҳодимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолингалиги аниқланди.

Адлия бўлимининг аралашуви билан фуқароларнинг 2019 йил иш ҳақидан ушлаб қолинган жами 4.189.003 (тўрт миллион бир юз саксон тўққиз минг уч сўм 2020 йил апрель ойида 226 191 (икки юз йигирма олти минг бир юз тўқсон бир минг) сўм иш ҳақи ишчиларга Наманган вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

Улугбек Жаббаров,
Тўрақўрғон туман адлия бўлими бошлиғи

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида”ги низоом талабларига туман, шаҳар комиссия аъзолари томонидан риюа этилганлиги юзасидан Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг давомида Қўшработ туманида яшовчи 47 нафар фуқаронинг кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида уй-жойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича туман давлат хизматлари марказига ёзган аризасига асосан, комиссия аъзоларининг ижобий хулосалари ҳамда ўрганиш натижалари бўйича тузилган дипломатномалари билан “Ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин” деб топилганлиги ва Комиссия ишчи органи томонидан ўзбошимчилик билан

КЕЧИККАН ҚАРОР, бу – ҳоқимнинг лоқайдлигими ёки...



қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман ҳоқимининг қарори лойиҳалари тайёрланиб, тасдиқлаш учун ҳоқимга тақдим этилган, бироқ туман ҳоқимлиги томонидан қарор қабул қилинмаганлиги аниқланган.

Вилоят адлия бошқармаси аралашуви билан туман ҳоқими томонидан 47 нафар фуқарога кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича

қарорлари имзоланиши, туман давлат хизматлари маркази томонидан қарор нусхаси мурожаат муаллифларига тақдим этилиб, уларнинг тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилишига эришилди.

Худди шундай, Тойлоқ туманида яшовчи фуқаролар Г.Нарзиқулова, Д.Норбекова ва Х.Зияевларнинг кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида уй-жойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича Тойлоқ туман Давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, бугунги кунга қадар туман ҳоқимлиги томонидан қарор чиқариб бермаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича комиссия аъзолари томонидан ижобий хулосалар берилиб, комиссия ишчи органи томонидан ўзбошимчилик билан қурилган имо-

ратта нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман ҳоқимининг қарори лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлаш учун туман ҳоқимига тақдим этилиб, фуқаролар тегишли тўловларни амалга оширган бўлса-да, ҳоқимлик томонидан мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан қарорлар қабул қилиниши пайсалга солиниб келинаётганлиги аниқланиб, Тойлоқ туман маъмурий судига туман ҳоқимлигига нисбатан қарор чиқариш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво аризалари киритилди.

Мазкур аризалар суд томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарорига асосан Тойлоқ туман ҳоқимлигига фуқаролар Г.Нарзиқулова, Д.Норбекова ва Х.Зияевларнинг тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман ҳоқимининг қарорини қабул қилиш мажбурияти юклатилди.

Хуршид БОБАНОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ



ҚАШҚАДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги давлат ташкилотлари тизимида ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларга иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши таҳлил қилинганда бир қатор қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланди.

Хусусан, Қашқадарё вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, бош бошқарма томонидан 2020 йил 1 январь ҳолатида ишчи ҳодимларнинг 1.544.088 минг сўм иш ҳақлари тўланмасдан келинганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгилангани билан ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарорининг 3-бандида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳодимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгиланган бўлган.

Шунга мувофиқ, ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан бош бошқармага йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда меҳнат қонунчилигига тўла риюа этишни таъминлаш мақсадида тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимномага мувофиқ, бош бошқарма томонидан ҳодимларга тўланмасдан келинаётган 1.544.088 минг сўм иш ҳақлари тўлаб берилди.

Элнур ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Энагалар кимдан норози?

ИНСОН ҳуқуқларини ҳимоя қилиш адлия идоралари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фуқаролар ўзларининг у ёки бу ҳуқуқлари бузилганда, биринчи навбатда, адлия идораларига мурожаат қилишга ўрганган.

Фуқаролар Ш.Алаева ва З.Муҳаммадовалар ҳам ана шундай меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоят билан Бухоро вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Мазкур мурожаат Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилганда, Шоира Алаева ҳақиқатан ҳам шаҳардаги 28-сон ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида 0,7 ҳисса кечки энага лавозимига ишлаб келган, аммо таълим ташкилоти мудирасининг 2020 йил 3 январдаги буйруғига асосан унинг розилигисиз, ҳеч қандай сабабсиз 0,7 ҳиссадан 0,6 ҳиссага кечки энагалик лавозимига ўтказилганлиги аниқланди.




Худди шундай, фуқаро Зарина Муҳаммадова ҳам шаҳардаги мазкур 28-сон ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида 2017 йил 30 июндан бошлаб тарбиячи ёрдамчиси лавозимига ишлаган. У ҳам таълим ташкилоти раҳбарининг 2020 йил 3 январдаги буйруғига асосан унинг розилигисиз 0,8 ҳисса кечки энагалик лавозимига ўтказилган.

Қонуни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Шаҳар адлия бўлими томонидан мутасадди ташкилотга киритилган тақдимнома ва маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги таклифнинг ижроси қонуний таъминланди. Натижада, гайриқонуний буйруқлар бекор қилиниб, фуқаролар Ш.Алаева ҳамда З.Муҳаммадоваларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва ташкилот мудираси Г.Икромова меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарликка тортилди.

Абдурахимхўжа БАҒАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Карантин давридаги муаммо ҳал этилди



ЯНГИАРИҚ туман “Вакиллар” маҳалласида яшовчи фуқаролар карантин даврида ун маҳсулотларини топишда қийналаётганлиги, маҳалласига кўчма савдо дўконлари орқали ун маҳсулотлари етказиб берилишида ёрдам сўраб Янгиариқ туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Ушбу мурожаатга ижобий ечим топиш мақсадида адлия бўлими томонидан маҳалла аҳлининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари кўчма савдоси

ташкил қилиниб, муаммо ечим топди.

Бунда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда шу маҳаллада яшовчи эллиқдан ортик оилаларга ун маҳсулотлари билан бир қаторда картошка, пиёз, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган нархлар асосида кўчма савдоси ташкил қилиниши таъминланди.

Карантин даврида туман адлия бўлими томонидан телефон алоқаси ва ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сардорбек ҚАЛАНДАРОВ,
Янгиариқ туман адлия бўлими бошлиғи

КОТИБА ИШГА ҚАЙТДИ



КОНСТИТУЦИМИЗНИНГ 37-моддасида, “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” деб белгиланган.

Термиз туман адлия бўлимига 2020 йилнинг 1-чораги давомида жами 66 нафар жисмоний, 2 нафар юридик шахсдан 68 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 32


таси бўлим бошлиғи ҳамда ходимлари томонидан амалга оширилган сайёр қабуллар давомида келиб тушган мурожаатлар ҳисобланиб, мазкур мурожаатларнинг барчасини қаноатлантириш чоралари кўрилди.

Жумладан, Термиз туман адлия бўлими томонидан, Термиз тумани “Айритом” маҳалласида яшовчи Эшмуродова Муҳайё Гулмурот қизининг, Термиз туманидаги 24-сонли умумий ўрта таълим мактабида котиба лавозимида 2019 йил 4 октябрь кунидан (асосий ходим туғиш таътилидан қайтгунга қадар) ишлаб келганлиги, ушбу асосий ходимнинг ўзи ишга қайтиб чиқмаса-да, яъни бошқа ходим ишга олингандан сўнг ишдан бўшатирилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. туман адлия бўлимининг аралашуви билан фуқаро М.Эшмуродова ўз ишига қайта тикланди.

Алибек ТЕМИРОВ,
Термиз туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Тўланмай қолган ПЕНСИЯ ПУЛИ ТўЛАНДИ

МАРҲАМАТ туман адлия бўлимига фуқаролар А.Алимов, А.Раҳматуллаев ҳамда М.Ғофуровлар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Марҳамат туман бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, тўланмай қолган пенсияларини ундириб берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.



Ўрганиш давомида, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Марҳамат туман бўлими томонидан 2019 йил февраль ойда фуқароларнинг пенсия миқдори ноқонуний равишда қайта ҳисобланганлиги оқибатида 36.578.124 сўм пенсия пули тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида “Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни улар истиқомат қилиб турган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тўланиши белгиланган. Шунингдек, пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланиши белгиланган.

Ушбу аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Марҳамат туман адлия бўлими томонидан киритилган тақдимнома натижасига кўра фуқаролар А.Алимов, А.Раҳматуллаев ҳамда М.Ғофуровларнинг жами 36.578.124 сўм пенсия пули ундириб берилди.

Муҳаммадбобур КАРИМОВ,
Марҳамат туман адлия бўлими бошлиғи

ЎН УЧИНЧИ МАОШ адлия аралашгач тўланди

МАЪЛУМКИ, бундан икки йил муқаддам ташкил этилган туман, шаҳар адлия бўлими айни пайтда ҳамюртларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилаётган идорага айланган. Бу эса ҳар бир мурожаатда ўз ифодасини топмоқда.



Поп туманидаги собиқ “Узрубериод” МЧЖ ишчи-хизматчиларининг туман адлия бўлимига қилган мурожаати ҳам шулар жумласидандир. Яъни жорий йилнинг март ойда Поп туман адлия бўлими томонидан ўтказилган сайёр қабулда жамиятнинг 104 нафар ходими икки йилдан буён ўн учинчи маошларини ололмаётганликларини билдириб, бу борада амалий ёрдам сўрашди. Мазкур мурожаат ўрганилганда, “Фарғона нефтни қайта ишлаш ўрғанилганда, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” АЖ тасарруфидга бўлган собиқ “Узрубериод” МЧЖ 2018 йилнинг иккинчи чорагида тугатилганлиги, аммо жамият ҳисобчиларининг масъулиятсизлиги туфайли 617 нафар

ишчи-ходим номига очилган пластик карталарнинг амал қилиш муддати ўтиб кетиб, ҳозирга қадар уларнинг 207.494.380 сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Шу боис туман адлия бўлими аралашуви натижасида мазкур иш ҳақи “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” АЖ томонидан акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг Поп туман филиали депозит ҳисоб рақамига ўтказилиб, нақд пул шаклида ходимларга берилиши таъминланди.

Азамат ЖўРАЕВ,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.injust.uz

ISSN 2020-7408

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шеразд Мирхалипович
Тожиёв Фурқат Шомуродоевич
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Бош муҳаррир
Кўчор НОРҚОБИЛ

Тахририятга келган кўлбемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Латофат Юсубова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 6154
Буюртма — V-4135

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

СИНОВЛИ КУНЛАР ЎТАДИ

Тинч ва осуда ҳаёт эса яна изга тушади

БУТУН дунёни ўз исканжасига олган коронавирус офати инсоният бошига тушган қалтис вазият бўлди. Лекин табиатнинг онгли мавжудоти бўлган инсон ўз ақли, идроки, тафаккури, билим ва иқтидори билан ҳар қандай мудҳиш офатлар билан ҳам курашиб доимо ғолиб бўлиб келган. Айни дамда бу кўзга кўринмас касаликка даъво топишда жаҳон мамлакатлари олимлари енг шимариб изланишга киришган. Шу ўринда Ҳазрати Инсон навбатдаги ёвни, гарчи у кўз илғамас, маккор бўлса-да, албатта, енгшига шубҳа йўқ.

Инсоният бундан-да аянчлироқ оқибатларни келтириб чиқарган не-не қиргинбаротларни, даъвоси йўқ ваболардан устун келгани тарихдан маълум. Шубҳа йўқки, бу кунларни ҳам енгиб, орда қолдиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу юртимизга кириб келиши билан синовли кунларда жонкуярлик кўрсатди. Бу балони енгил борасида аниқ ва тўғри қарор қабул қилиб, заминимизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаронинг соғлигини кўз қорачигидек асраш учун бор имкониятларни ишга солди.

Шунингдек, биз раҳбар ходимлар, сектор бошлиқлари олдида ҳам қатъий топшириқлар бериб, коронавирусни енгил чора-тадбирларини белгилаб берди.

Хусусан бизнинг туманимиз майдони Андижон вилояти билан тенг, лекин тарқоқ. Айрим қишлоқларимиз туман марказидан қарийб 120 км тепаликда жойлашган. Синовли кунларда даштнинг тоғ-худудларида яшайдиган чўпон-чўлиқлар, ғаллакорлар халқ соғлигини ўйлаб бир қатор эзу ишларни амалга оширди.

Жумладан тумандаги **37 та** маҳаллага бугунга қадар **1 504 та** хонадонга тоза ичимлик суви махсус автомашиналарда етказиб берилди. **19 390 та** хонадон суюлтирилган газ билан таъминланди. Туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан бугунгача **5054 нафар** кам таъминланган ҳамда ёлғиз фуқароларга қундалик эҳтиёжлар учун **32 135 та** химоя никоби **3 000 дан зиёд** қўлқоп, **1 205 та** гигиеник воситалар, шунингдек, **3 500 тонна** гўшт, **11 500 тонна** ун, **3 000 дон** нон, **2 500 кг** ўсимлик мойи, **5 000 тонна** картошка, **2 500 кг** гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бепул етказиб берилди.

Туманда бугунга қадар санитария-эпидемиология ходимлари томонидан барча ўқув муассасалари ташкилот ва корхоналар, деҳқон бозорлари, аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларнинг кириш қисми ва ертўлларида дезинфекциялаш ишлари олиб борилмоқда. Туманда коронавирус

инфекцияси юққан деб гумон қилинганлар учун тиббиёт бирлашмасида 30 нафар беморга мўлжалланган захира ўринлари ажратилиб, керакли жиҳоз, дори-дармон дезинфекцияловчи воситалар химоя кийимлари билан тўлиқ таъминланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси ташкил этилиб, ушбу жамғармага **72 миллион** сўмдан ортиқ пўл тўпланди. Туманда **“Саховат ва кўмак”** умумхалқ ҳаракати доирасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан **“Саҳоба ота Қорақўл насл”, “Баҳо ишонч” “Нурбулоқ МЧЖ”, “Тим Агрон чорвадорлари МЧЖ”, “Тошқин фермер хўжаликлари”** ҳисобидан ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Яқинда ҳеч қутмаганда Сирдарёда бўлган кўнгилсиз воқеа бизни ҳам қайғуга солди. Ватандошларимизга озиқ-овқат маҳсулотлари, кўрпа-тўшакдан ташқари 200 бош қўй юбордик. Юртдошларимизга таскин бериб, бу синовли кунлар, албатта, орда қолади, деб қоламиз. Ҳеч шак-шубҳасиз, ҳаёт ўз изига тушади. Фақат сабр-тоқат ва жипслик, бирдамлик керак холос.



Равшан Тўраев,
Туман халқ кенгаши
бўлим мудир:

ҚИЙИН, ЛЕКИН ЕНГАЯПМИЗ

— Коронавирус пандемияси туфайли қурраи заминда вужудга келган вазият одамларнинг бошига қалтис кунларни келтирди. Рўй берган офат бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, энди ҳаёт остонасига қадам қўяётган ўқувчиларга ҳам бу ўз таъсирини кўрсатди. Март ойининг ярмидан учинчи чорак дарсларни тугаллагандан кейин, бу касаллик юртимизга ҳам ёпирилиб келди. Оқибатда, қисқа муддатга, билимга ташна ўқувчилар билим олишида узулиш рўй берди. Лекин мамлакатимизда зарур чоралар қўлланилиб, ўқишни “он-лайн” усулида давом эттиришга эришилди. Шундан кейин, қарийиб билим олишда узулиш бўлмади. Ўқувчиларга белгиланган дарслар ўтилди. Шуни айтиш керакки, бугун

туманимиз майдони Андижон вилояти билан тенг. Бундан ташқари, тарқоқ. Туман марказидан 150 км. узоқликдаги қишлоқлар ҳам бор. Масалан, Дарайтут, Тутли, Ғубдим қишлоқларининг мактаб ўқувчиси учун очиги, дарс ўтиш биров қийинчилик туғдирди. Лекин иложини топдик. Ўша қишлоқ маҳалла марказида белгиланган вақтда ўқувчиларни карантин қоидаларига амал қилиб тўплаб, телевизор орқали ўтилаётган дарслар намойиш этилиб, уларнинг ўзлаштириши, ўқитувчилар томонидан назорат қилинди. Шоҳида Ғадирова, Лолахон Усмонова, Гулсум Жомева каби жонкуяр ўқитувчилар ўз фани бўйича дарсларни қолдирмай ўқувчиларга билим бердилар.

Холмирза ХОЛБОВЕВ,
Бозор директори:

НАРХ-НАВО КЎТАРИЛМАДИ

— Дунёда саховатли, муруватли одамлар кўп. Айниқса, бу ҳислатлар бизнинг миллатимизга ёт нарса эмас. Юртимизга бу кўз илғамас офат ёпирилган кунларда тўғри, одамлар ўртасида ваҳима ва саросима бошланиб кетди. Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлабки куни бозорда айрим ноинсоф тадбиркорлар озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, картошка, сабзи, пиёз нархларини икки-уч баробарга кўтариб юбордилар. Бироқ, бунинг тезда олди олинди. Бозор маъмурияти бундай ноинсофларга бозорда савдо қилишни қатъий ман этди. Бугун бозоримизда бошқа жойларга қараганда анча

арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Бозорларимиздаги нарх-наво кишиларни қониқтирмоқда. Энг муҳими, саховатпеша фермерлар экин майдонларида етиштирган маҳсулотларини арзон нархларда аҳолига сотмоқда. Халқимиз меҳр-муруватли, қўли очик. Улар бундай синовли кунларда ўз муруватларини аямай бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни таъминлаб турибдилар. Масалан, Баҳодир Кенгашев, Ўқтам Саъдиновлар ўз ҳисобларидан гўшт, бошқа сабзавотлар олиб келиб бозорга барака киритдилар.

“Инсон ва қонун” мухбири Азим ҚОДИРОВ ёзиб олди.